



ISSN 2181-9297  
DOI 10.26739/2181-9297

---

**СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**№3 (2019)**

**TOSHKENT-2019**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан  
23.03.2018 йилда, 1175-сонли гувоҳнома билан  
рўйхатдан ўтказилган.

**Бош муҳаррир:**

Холбеков Муҳаммадjon - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Тахрир ҳайъати:**

Назаров Бахтиёр - академик. (Ўзбекистон)  
Якуб Умарўли - ф.ф.д., профессор (Туркия)  
Алмаз Улви Биннатова - ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)  
Боқиева Гуландом - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Миннуллин Ким - ф.ф.д., профессор (Татаристон)  
Маҳмудов Низомиддин - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Керимов Исмаил - ф.ф.д., профессор (Россия)  
Жўраев Маматкул - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Куренов Раҳиммамед - к.ф.н. (Туркменистон)  
Кристофер Жеймс Форт - Мичиган университети (АҚШ)  
Умархўжаев Мухтор - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Мирзаев Ибодулло - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Болтабоев Ҳамидулла - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Дустмухаммедов Хуршид - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Лиходзиевский А.С. - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Сиддиқова Ирода - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)  
Шиукашвили Тамар - ф.ф.д. (Грузия)  
Туҳтасинов Илҳом - ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон) - масъул  
копиб

**Нашрга тайёрловчи:** Юсупов Ойбек Нетьматжонович,  
**E-mail:** [word@tadqiqot.uz](mailto:word@tadqiqot.uz)

Зарегистрировано свидетельством 1175 от  
23.03.2018 г.

Агентством печати и информации  
Республики Узбекистан.

**Главный редактор:**

Холбеков Муҳаммадjon - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

Назаров Бахтиёр - академик. (Ўзбекистон)  
Якуб Умар оглы - д.ф.н., профессор (Туркия)  
Алмаз Улви Биннатова - д.ф.н., профессор (Азербайджан)  
Бақиева Гуландом - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Миннуллин Ким - д.ф.н., профессор (Татарстан)  
Маҳмудов Низомиддин - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Керимов Исмаил - д.ф.н., профессор (Россия)  
Джўраев Маматкул - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Куренов Раҳиммамед - к.ф.н. (Туркменистон)  
Кристофер Джеймс Форт - Университет Мичигана (США)  
Умархўжаев Мухтар - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Мирзаев Ибодулло - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Балтабаев Ҳамидулла - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Дустмухаммедов Хуршид - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Лиходзиевский А.С. - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Сиддиқова Ирода - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)  
Шиукашвили Тамар - д.ф.н. (Грузия)  
Туҳтасинов Илҳом - к.ф.н., доцент (Ўзбекистон) - отв.  
секретарь

**Подготовила к изданию:** Юсупов Ойбек Нетьматжонович,  
**E-mail:** [word@tadqiqot.uz](mailto:word@tadqiqot.uz)

The journal of law research was registered by the certificate 1175 from  
22.06.2017. The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

**Editor-in-Chief:**

Kholbekov Muhammadjan - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

Bakhtiyor Nazarov - academician. (Uzbekistan)  
Yakub Umarogly - Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)  
Almaz Ulvi Binnatova - Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)  
Bakieva Gulandom - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Minnulin Kim - Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)  
Mahmudov Nizomiddin - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Kerimov Ismail - Doc. of philol. scien., prof. (Russia)  
Juraev Mamatkul - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Kurenov Rakhimmamed - Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)  
Christopher James Fort - University of Michigan (USA)  
Umarkhodjaev Mukhtar - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Mirzaev Ibodulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Boltaboev Hamidulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Dustmuhammedov Khurshid - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Lixodzievsky A.S. - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Siddiqova Iroda - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)  
Shiukashvili Tamar - Doc. of philol. scien. (Georgia)  
Tuhtasinov Ilhom - Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

**Collections editor:** Yusupov Oybek Nematjonovich, **E-mail:** [word@tadqiqot.uz](mailto:word@tadqiqot.uz)

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица  
Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,  
Mehrigioy Street, 1-A.  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ТОМАС ХАРДИНИНГ РОМАННАВИСЛИК МАҲОРАТИ**

**Муҳаммаджон Холбеков,**

Самарқанд чет тиллар институти профессори, филология фанлари доктори

**For citation:** Muhammadjon Holbekov. STHOMAS HARDIN'S ROMANTICAL INFORMATION. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 8, pp. 3-14



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-1>

*Келиб тушган сана 23 июль, 2019*  
*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Буюк инглиз ёзувчиларидан бири Томас Харди Инглиз романчилигининг шонли уйидан ўн тўрт романи билан ўзининг муносиб ўрнини топди. У буюк ёзувчи бўлиш билан бмирга, буюк шоир ҳамдир; аммо унинг романларининг муваффақияти ва шуҳрати, айниқса, унинг олтига йирик романи шоир сифатида шон-шуҳратига соя солиб қўйди. Ушбу мақолада Томас Хардининг романнавислик маҳорати, асарлари тасвири ва таҳлили хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Викториан даври, Дорсетшир, Уэссекс, пессимизм, оптимизм, агностицизм, лейтмотив, троп, ритмика, строфика.

---

**РОМАНТИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИЯ ТОМАСА ХАРДИНА**

**Мухаммаджон Холбеков,**

Профессор Самарқандского института иностранных языков, доктор филологических наук

**АННОТАЦИЯ**

Один из великих английских писателей, Томас Харди, заработал свое законное место благодаря четырнадцати романам из Английского Дома славы. Он также великий поэт, будучи великим писателем; но успех и известность его романов, особенно его шести главных романов, бросили тень на его известность как поэта. Эта статья посвящена романам, иллюстрациям и анализу Томаса Харди.

**Ключевые слова:** викторианская эпоха, Дорсетшир, Уэссекс, пессимизм, оптимизм, агностицизм, лейтмотив, троп, ритмика, строфика.

---

---

## THOMAS HARDIN'S ROMANTICAL INFORMATION

**Muhammadjon Holbekov,**

Professor of Samarkand Institute of Foreign Languages, Doctor of Philology

---

### ANNOTATION

One of the great English writers, Thomas Hardy, has earned his rightful place with fourteen novels from the English House of Fame. He is also a great poet, being a great writer; but the success and fame of his novels, especially his six major novels, have cast a shadow on his fame as a poet. This article focuses on Thomas Hardy's novels, illustrations and analysis.

**Keywords:** Victorian era, Dorsetshire, Uessex, pessimism, optimism, agnosticism, leitmotiv, trop, rhythmic, strophics.

---

Томас Харди - "викториан даври" ("Victorians age") инглиз адабиётининг кенжа вакилларида саналади. Адибнинг илк романи - "Яшил дарах тагида" (Under the Greenwood Tree, 1872) аноним тарзида нашр этилади. 1874 йили чоп қилинган "Ақдан озган оломондан йироқда" ("Far from the Madding Crowd") романи Томас Хардига шуҳрат келтирди. Ёзувчи ўз ижоди давомида жами йигирма беш жилдан иборат романлар, ҳикоя ва шеърли китобларини нашр қилдириди.

Томас Харди ўз асарларида қаҳрамонларининг фожиали тақдирини тасвирлар экан, психологик конфликтларнинг ижтимоий негизини рўйи-рост очиб ташлайди, "викториан даври"нинг лоқайдликка юз тутган бефарқ маънавий-ахлоқий меъёрларини танқид остига олади. Ёзувчи объектив борлиқнинг зиддиятларига мурожаат қилади-ю, бироқ уларни бартараф этиш йўллари аниқ топа билмайди. Бугун борлиқ, жамият ва муҳит адиб руҳини тушириб юборгани боис, асарларининг фожиали мазмун ва тушкун кайфиятга эга эканлиги ўқувчи кўз олдида намоён бўлиб туради. "Жамиятдаги юқори синф вакиллари хулқ-атвори шартлилик ниқоби остида яширинган бўлади, уларнинг ҳақиқий табиати ва феълени разм солиб билиб олиш осон эмас. Гарчи билиб қолсангда, субъектив тарзда

тасвирлай оласан, халос. Қуйи синфга мансуб одамлар иши ва хатти-ҳаракати улар ички ҳаётининг тўғридан-тўғри ифодасидир. Тўғриси, улар қиёфаси феъли, хулқ-атвори, муомаласида намоён бўлиб туради, шу боис тасвирлаш осон кечади", деб ёзади адибнинг ўзи.

Дарҳақиқат, ёзувчи қаламига мансуб "Тэсс д'Эрбервиллар наслидан" ("Tess of the d'Urbervilles", 1891) романида ҳалол ва покиза аёл ўз бахти учун жиноятга қўл уради, оқибат эшафотда қатл этилади. "Кўз илгамас Жуд" ("Jude the Obscure", 1895) романи қаҳрамонлари эса ҳаётда буржуа одоб-ахлоқининг қурбонларига айланишади. "Кестербридж мэри ҳаёти ва ўлими" ("The Life and Death of the Mayor of Casterbridge", 1885) романи қаҳрамони Майкл Хенчард ҳаётда руҳий ва маънавий қийинчиликларни бошидан кечириб, рўшнолик кўрмай ўз жонига қасд қилади. Хуллас, Харди ижодининг энг муҳим жиҳати - бу фожиали конфликтлар таҳлили ва инглиз ҳаёти, унинг қундалиқ турмушининг ёрқин акс эттиришидир.

Томас Харди (Thomas Hardy, 1840-1928) Англиянинг Дорсетшир графлигидаги Дорчестер шаҳридан узоқ бўлмаган Хайер-Бокхэмптон қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси қурувчи уста эди. Томас икки насаби ва акаси

билан қишлоқда ўсиб-улғаяди. Дорчестердаги черков мактабида илк саводини чиқаради. Ўн олти ёшида мактабни тугатиб, отаси касбига ихлосманд бўлган ўспирин йигит архитектор Арту Блумфильдга шогирд бўлади. 1862 йилда Томас устози Блумфильд билан Лондонга келиб, черковларни таъмирлашда иштирок этади. Айни пайтда архитектура ва қурилиш санъатини берилиб ўрғанади. 1867 йил Дорчестерга қайтиб, черковларни лойиҳалаштириш ва таъмирлаш ишлари билан машғул бўлади. 1874 йил у Эмма Лавиния исмли қизга уйланади. Улар ўн йил бирга умргузаронлик қилишади. Шу йиллар ичида Томас Харди бадий ижод билан қизгин шуғулланади. 1885 йил етарли маблаг тўплаган ёзувчи Дорчестерда ўз лойиҳаси билан "Макс Гейт" номли кўрғонини қуради ва шу ерда муқим яшаб қолади.

1887 йилдан Харди бадий ижодга берилади. Адиб ватани Дорсетшир аҳолиси ҳаётдан олинган воқеаларни тасвирловчи кичик ҳикоялар ёзишга киришади. У ҳикоялари билан адабий гурунглarda тилга олина бошлайди. Ҳатто, Лондонда чиқадиган номдор журналлар ҳам ёзувчи ҳикояларини чоп этиб, унга яхшигина қалам ҳақи тўлай бошлайдилар. Харди ўз ҳикояларини йигиб учта тўплам ҳолида нашр эттиради. Биринчи тўплам "Уэссекс қиссалари" (Wessex Poems) 1888 йили иккинчи тўплам "Олийҳиммат хонимлар" (A Group of noble Dames) 1891 йили нашр қилинади. Юқоридаги тўпламларга кирган ҳикояларида адиб дорсетширликлар ҳаётдан олинган тарихий воқеаларни миллий тусда, ҳазил-мутойиба кайфиятида тасвирлаш билан ўтмишнинг элегик манзараларини ўқувчи ёдига солади.

Ёзувчининг "Уэссекс романлари" (Wessex Romans) циклига кирувчи

машҳур романларида халқ ҳаётининг жўшқин муҳити ҳаққоний ва кенг миқёсда тасвирланишини кузатамиз, эҳтимол, XIX аср инглиз адабиётида шу жиҳатдан уларга тенглашадиган роман йўқдир. "Уэссекс романлари" циклига, "Меллсток хори"дан ташқари, ёзувчининг куйидаги романлари кирган "Ақлдан озган оломондан йироқда" (Far from the Madding Crowd, 1874), "Ватанга қайтиб келиш" (The Return of the Native, 1878), "Кестербридж мэри ҳаёти ва ўлими" (The Life and Death of the Mayor of Casterbridge, 1885), "Ўрмонлар ўлкасида" (The Woodlanders, 1887), "Тэсс д'Эрбервиллар наслидан" (Tess of the d'Urbervilles, 1891), "Кўз илгамас Жуд" (Jude the Obscure, 1895).

1912 йили Харди ўз асарларининг тўлиқ тўпلامини тайёрларкан уларни "Характерлар ва ҳол-шароит романлари" (Novels of Characteres and Environment) номи остида бирлаштиради.

"Ақлдан озган оломондан йироқда" (Far from the Madding Crowd, 1874) романида Харди Англиянинг қадим тарихидан олиб илк бор "Уэссекс" сўзини тилга олишга журъат топади, ва қачонлардир қадимий англосаксонлар қироллиги бўлган, ҳозирги Англия қироллигига асос солган давлат номини тиклашга бел боғлаганлигини ошкор этади. Сабаби, ёзувчи романларидаги воқеа ва ҳодисалар содир бўлган жойлар ушбу қироллик ва унинг сарҳадларида кечади, юқоридаги ном эса жой ҳақида етарли, муайян тушунчаларни беради. "Мен дилимда туғиб қўйган воқеа-ҳодисаларни кенг қўламда тасвирлаб беришим учун атиги қандайдир битта графлик худуди етмаслигини аниқ кўриб турардим, ва мен, баъзи мулоҳазаларга кўра, ўйлаб чиқарилган номлар, тўқиб-чатилган жойларни кўрсатишни хоҳламадим, шунинг учун бу қадимий номни қидириб топдим", деб ёзади кейинчалик ёзувчининг ўзи.

Хардининг "Уэссекси" - бу Англиянинг жанубий-гарбий графликлари; биринчи навбатда - қадрдон Дорсетшир, кейин эса Девоншир, Беркшир ва бошқа ҳудудлардир. Романлар маълум бир жой билан чегараланганлиги уларнинг ўзгача график шаклида безатилишида ўз аксини топди: алоҳида китоб бўлиб чиқаётганида, Харди уларга пухта чизилган хариталарни илова қилиб борарди, хариталарда эса қийинчиликларсиз китобхон шу ернинг диққатга сазовор жойларини таниб оларди. Шу билан биргаликда ўйлаб чиқарилган номлар - Кестербридж, Кристингтер, Меллсток ва бошқалар - Хардига зарур бўлган ҳаракатлар эркинлигини берарди, улардан ландшафт ва топография аниқликлари олиб ташланарди. Топографик аниқликдан кўра Харди учун мутлақо бошқача турдаги аниқлик анча муҳимроқ эди. Бунга Харди ижодиётини тадқиқ қилган рус олими М.В.Урнов сўзларига қараганда: "Уэссекс осмони тагида барқарор алоқа ва муносабатлар, ҳаётнинг яримпатриархал тарзи ҳалигача ҳаракат қилмоқда, бироқ улар ҳам капиталистик муносабатлар босими остида аста-секинлик билан ич-ичидан емирилиб, кулаб бормоқда". Ҳақиқатдан ҳам, Харди ўз Уэссексини яратиб, Англия қишлоқ ҳаётида қадимий яшаш тарзи барбод бўлиши фожиасини ҳайратомуз аниқлик ва ифодалилик билан, оддийгина мушоҳадали ва мавҳумли қилибгина эмас, балки муайян, аниқ инсоний тақдирлар асосида кўрсатиб бера олди.

Уэссекс цикли номининг ўзида - "Характер ва ҳол-шароит романлари" (Novels of Characteres and Environment) - ушбу асарларни бирлаштирадиган умумийлик мужассамлашган. Ҳар бирининг марказига - асосий персонаж (характер) ва ижтимоий муҳитдек ёйилган томирлар, бош манба, ўраб

олган атроф-муҳитдек тушуниладиган ҳол-шароит тўқнашуви қўйилган.

Марказий персонаж устида ишлашга, унга ишлов беришга Харди алоҳида аҳамият берарди. Сюжетда, биринчи қарашдан, галати ва ҳаттоки юз бериши мумкин бўлмаган, эҳтимолдан анча узоқ турли кескин ўзгаришларга ва ҳар хил воқеаларга йўл қўйиб (мисол учун, "Кестербридж мэри..."да хотинини сотиб юбориш эпизоди), ёзувчи характерларга (асосий персонажларга) психологик теранлик ва ҳажмдорлик қўшиб бериш ниятида, уларни алоҳида синчковлик билан тасвирлайди. Вақтида таъкидлаш лозимки, хотинини сотиш билан боғлиқ эпизод, қандай мудҳиш кўриниш олмасин, реал ҳаётдан олинган. XIX аср биринчи ярми Англия жамиятида қишлоқ ҳаётини ёритувчи ҳужжатларни катта қизиқиш билан ўрганган Харди, ўз асарларида аёл савдоси билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисаларни, газета хабарномаларида эълон қилинган матнларини тўлигинча келтириб, реал тасвирлайди. Объектив воқелик, ҳақиқий ҳолат кўпинча ҳар қандай тўқимадан, исталган уйдирмадан галатиноқ, шафқатсизроқ бўлишини адиб жуда яхши тушунган, албатта. "Ёзувчининг вазифаси - ҳикоя қилиб беришга, бир томондан, қизиқиш уйғотмоқ учун, иккинчи томондан эса - реаллик, ҳаққонийлик бахш этмоқ учун ғайриоддийлик ва одатийлик ўртасида барқарор мувозанатни ўрнатишга эришишдир", - деб ёзади Харди. Ёзувчининг кундалик дафтаридаги куйидаги ёзувлари деярли адабий манифестдек ўқилади: "Ушбу муаммо ҳал этилишида инсон табиатини ғайритабиий тасаввур қилиш мумкин эмас... Ғайриоддийлик характерларда эмас, балки воқеа, ҳодисалардан иборат бўлиши лозим, ёзувчи санъати эса - улар эҳтимолдан

узоқроқ, унча ишониб бўлмайдиган даражада бўлганликларида, ниқоблаб бошқа тусга кiritишга, қиёфасини ўзгартишга, яширишга уринишдан иборатдир". Ёзувчининг ушбу фикр-мулоҳазалари биринчи навбатда, сюжет тузилишига тааллуқли. Марказий конфликтга келсак, бу ерда Харди зийрак ижтимоий ёзувчи ва реалист сифатида гавдаланади. Сюжетнинг айрим вазиятлари ва бурилишлари қанчалик одатдан ташқари, ҳайрон қоларли бўлмасин улар орқасида доим конфликт мазмун-моҳиятини таърифлайдиган конкрет ижтимоий-тарихий вазият яққол намоён бўлади.

Уэссек цикли асарлари марказида - ёрқин образлар, ўзига хос феъл-атворга эга шахслар туради. Клайм Ибрайт "Ватанга қайтиб келиш" (*The Return of the Native*, 1878), Хенчард "Кестербридж мэри ҳаёти ва ўлими" (*The Life and Death of the Mayor of Casterbridge*, 1885), Джэйлс Уинтерборн "Ўрмонлар ўлкасида" (*The Woodlanders*, 1887), Тэсс "Тэсс д'Эрбервиллар наслидан" (*Tess of the d'Urbervilles*, 1891), Жуд Фаули "Кўз илгамас Жуд" (*Jude the Obscure*, 1895) - бу шахсларнинг ҳаммаси расмий стандартга мос келмасликлари, андозадан ташқари бўлганликлари, юқори руҳият ва маънавиятга эга эканликлари учун кечираётган ҳаётининг ижтимоий шароити томонидан исканжага олинади. Уларнинг ҳаммаси (Клайм Ибрайтдан ташқари) жамиятнинг қуйи табақаларига мансуб, ва, энг аҳамиятли жойи, улар меҳнат одамларидир. Шундай қилиб, оддий ишчи ва деҳқон халқи ҳаёти Харди ижодида нафақат қандайдир бир "жамоавий қаҳрамон" образида, балки мустақил, истёъодли ва ёрқин шахслар, меҳнатсевар заҳматкаш одамлар вакили (қишлоқ хизматкори Тэсс, дарахт кесувчи Джэйлс

Уинтерборн, деҳқон ишчиси Хенчард, тош йўнувчи Жуд) образларида ҳаққоний мужассамланади. Ушбу цикл романларида меҳнат аҳлига мурожаат қилган Харди демократизми унинг қаҳрамонларига нисбатан чуқур меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-иззат билан ажралиб туради.

Уэссек романлари конфликт - фожиали. Харди адабиёт тан олган канонлардан воз кечганлигидан газабланган ўша давр танқидчилик намояндалари уни пессимизмда айбладилар. Ушбу ноҳақ айбловни бошидан кечирган ёзувчи, дунёни идрок қилишда, одатда пессимистлар деб аталадиган юзаки ва енгилтак мутафаккирларга қараганда, у ўзининг Софоклга яқинлигини кўп мартаба изҳор қилганди. Унинг кундалик дафтарларида одам борлиги фожиаси ҳақидаги ўйларни, инсон ҳаётлигининг фожиавийлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини топамиз. 1885 йил ноябрь ойининг охирларида у қуйидагиларни ёзади: "Фожа. У тўғрисида қисқача қуйидагиларни айтсак бўларди: фожаи шахс ҳаётидаги нарсалар ҳолатини шундай бир намоён этадики, унда шахснинг табиий хоҳиш-истакларининг амалга ошиши кетидан ҳалокатни олиб келиши муқаррар".

Бироқ, кўпчилик инглиз танқидчилари ёзганидек, юнон трагикларига хос Тақдирни тушунишни ёки, аниқроқ қилиб айтганда, Қисмат-Ёзмишни идрок қилишлари Хардига ҳам хос деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Сўзсиз, Харди дунёқарашларида, ҳаётни идрок қилишларида юнон трагедиялари ўз ролини ўйнаган, албатта. Бунга ёзувчи асарлари матнларида ҳам далиллар етарли. Одатда, шу билан боғлиқ, "Тэсс д'Эрбервиллар наслидан" асаридаги қуйидаги якунловчи жумлани келтирадилар: "Адолат рўёбга чиқди, ва

"ўлмаслар раҳнамоси" (Эсхил) Тэсс билан ўз ўйинини охирига етказди". Шак-шубҳасиз, фожиавийлик концепцияси Харди ижодида юнон трагикларининг ўта кучли таъсири остида шаклланган. Бу, биринчи навбатда, қаҳрамоннинг пировард натижада ҳалок бўлишига олиб келадиган воқеа-ҳодисаларнинг сабабли боғланишидаги тасодифийликни талқин қилишда акс эттирилади. Бироқ Харди учун бундан ташқари бошқа нарсалар ҳам муҳим. "Кестербридж мэри..." асаридеъқ у Новалис сўзларини келтиради: "Тақдир - бу феъл-атвор". Асар қаҳрамони Хенчард тақдири кўп жиҳатдан айнан шу билан аниқланади: унинг қўполлиги, ўжарлиги, узоқни кўраолмаслиги, соддалиги, одамлар билан муросага келаолмаслиги, молияга оид укуви йўқлиги ва шунга ўхшаш нарсалар уни нафақат банкротликка, балки ҳаётини ҳалокатга олиб келади. Шу тариқа Тэсс, "покиза аёл" тақдири ҳам, кўп жиҳатдан айнан унинг руҳий бегуборлиги, эзгулиги, кўнгли юмшоқлиги билан изоҳланади. Кўп жиҳатдан, бироқ ҳаммасида эмас. Тасодифийлик ва характер Харди учун - иккита қудратли таянч дастакдир, улар ундан-да қудратли кучлар билан ҳаракатга келтирилади, ва уларни назар-писанд қилмаслик хато бўлар эди. Харди, XIX аср охирининг йирик танқидчи реалисти, ижтимоий объектив воқеликка илдиз отиб, чуқур ўрнашиб олган. У бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзгача тарзда ўша даврдаги капиталистик жамиятда кечган чуқур ижтимоий жараёнларни тасвирлайди ва фош қилади. Бой-бадавлатлар ва қамбағаллар ижтимоий синфлари ўртасидаги муносабатлар, меҳнат аҳлини бўйсундириш ва эксплуатация қилиш, дин, одоб-ахлоқ қоидалари, жинслар ўртасидаги муносабатлар, оила, таълим - ўша давр жамиятининг

муҳим жиҳатларини у вайрон қилувчи таҳлил ва танқидга учратди. Ўз ижтимоий ҳаёти асосий фактларини савлатлилик, салобатлилик орқасида яширган жамиятнинг юқори табақалари вакиллари Хардига фош этишларини, ошкор қилганларини кечирмадилар, уни бетавфиқ ва пессимист деб баралла эълон қилдилар. Харди ижодида фош этувчи тенденциялар тобора кучайиши билан танқидчилар ҳужумлари, таъна-маломатлари ортиб борарди, "...Тэсс" ва айниқса "...Жуд" романлари нашрдан чиқиши биланоқ ошкора таъқиб қилиш бошланади. Танқидчиларнинг гийбату-ҳақоратлари Харди дилини оғир жароҳатлади, аммо юрагини энг эзгани - бу қаламдош дўстлари ўртасида у мадад, кўмак учратмагани бўлди. Ҳаттоки доим унга катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлган Алджернон Чарльз Суинберн ҳам Харди номига ёзган хатида унинг қаҳри қаттиқлигидан ўпкалаб, бағри тошликда айблади ва "инглиз жаннати"га, "яшил дарахт" тагига қайтишига чорлади. Харди вафотидан сўнг, ундан қолган қоғозларда Генри Джеймс ва Г.К.Честертон сингари ёзувчилар эгаллаган позициялари хусусида ортиқ даражада куйиниб қайғурганлиги ҳақида далиллар топилди. Албатта, бу икки ёзувчи ўз дунёқарашлари ва бадий дастуриламаллари билан Хардидан узоқликда эдилар.

Харди пессимизми ҳақидаги масалага нуқта қўйиш учун рус ёзувчиси А.Блок сўзларини келтираамиз, бу сўзларни у умуман бошқа нарса хусусида айтганди, аммо мақолаамиз мавзуга бевосита алоқадор бўлиб чиқди. Блок оптимизм ва пессимизмни одатий таққослаб кўриш ҳақида сўз юритаркан: "Оптимизм умуман олганда - одатда дунёга бир бутун яхлит нарсага қараш каби назар ташлаш имкониятини



истисно қиладиган унчалик мураккаб эмас ва унчалик бой бўлмаган дунёқарашдир. Унинг одамлар олдида ва ўз олдида ўзини оқлаши - у пессимизмга қарама-қарши қўйилганлигида, аммо у дунё мураккаблигини тушуниб етишга ягона ёрдам берадиган фожиавий дунёқараш билан ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмайди" деган фикрни билдиради. Харди дунё мураккаблигини тушуниб етишга ягона ёрдам берадиган ана шу фожиавий дунёқарашга юксак даражада эга бўлган санъаткордир. Адиб романларининг улугворлиги ва ўткинчи бўлмаган кадр-қимматлиги ҳам ана шундадир.

"Кўз илгамас Жуд" (Jude the Obscure, 1895) Хардининг охириги романи эди. Танқидчиларнинг романни ёмонлашларидан даргазаб бўлган ва ранжиган Харди бундан буён прозани ташлаб, ўзини шеъриятга бағишлаганлиги ҳақида ошқора эълон қилади. У "қоя сингари қотиб қолган ҳаракатсиз фикрга қарама-қарши турган гоя ва ҳис-туйғуларини айнан шеърларда анча тўлиқроқ ифода этиш" мумкинлиги ҳақидаги аччиқ орзу-умидларини изҳор қилди.

Ваҳоланки, Харди бутун ҳаёти давомида шеърлар ёзди. Доимо шеъриятни "биринчи муҳаббатим" деб атаган, ва фақат ҳаёт шароитлари уни романистикага мурожаат қилишга мажбур қилганлигини таъкидлаб ўтганди. Хотира дафтарларидан парчаларни киритган "Ҳаёт тасвирлари"ни ўқиб, биринчи саҳифалариданоқ қизиқарли ёзувларни учратишимиз мумкин, уларда адиб у ёки бу шеърини ёзиш вақгидан тортиб, то шеърнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган нарсаларни қайд қилганликларига гувоҳ бўламиз. Хардининг илк шеърлари ҳам, ва энг сўнгги шеърлари ҳам, унинг ҳикоя ва романларига ўхшаб ўтмишга назар

ташлаганлиги билан ажралиб туради. Харди шеърлари - бу лирика ҳам, ва Дорсетширнинг ўзига хос шеърий солномаси ҳам, қадрдон она-юртига эса у бутун ҳаёти давомида содиқ қолганди. Ёш шоир ёзган биринчи шеъри "Domicilium" - жонажон қишлогининг шеърий тасвири, уни эса Харди нафақат ўз кўзлари, балки ўз отаси, Томас Харди-иккинчи, ва бобоси, Томас Харди-биринчи кўзлари билан кўрган. "Меллсток, 1836 йилга яқин" белги билан чоп этилган "Черковдаги учрашув" шеъри Харди ота-оналари умрида биринчи марта Стинсфорд черковида бир-бирини кўриб ёқтириб қолганликлари ҳақидаги хотиралари остида қоғозга битилганди.

"Биринчи муҳаббати"га қайтишга ва ўзини бутунлай шеъриятга бағишлашга Харди фақат XIX аср охирида имкон топди. 1898 йилдан кейин Харди прозани ташлади ва ўзини ёлғиз шеъриятга бағишлади. Бунга сабаб, юқорида айтилгандек, романларининг нашр этилиши биланоқ у томон қарата айтилган танқидчиларнинг таъна-маломатлари эди. Бахтга қарши, бу вақтда Харди етарли даражада машҳур ва моддий томондан таъминланган, ўзига тўқ одам эди ва "ҳунар"ини (у прозани шундай атарди) ташлаб, ўзини бутунлай "санъат"га бахшида этиш имкони бор эди.

Харди, прозага нисбатан айнан шеъриятда ўзини эркинроқ кўрсатишини, ички дунёсини, фикру-ҳаёлини тўлиқ ифода қила оламан, деб умид қиларди. Бироқ шуни ҳам қайд қилиб ўтиш даркор, шоир орзу-умидлари фақат қисман ўйланганидек бўлиб чиқди: унинг сиёсий ва фалсафий лирикаси танқидчиларни прозага қараганда асло кам бўлмаган даражада газаблантирди.

Харди шеърий мероси жуда бой: у қарийб мингга яқин шеърларни қамраб

олади. Аксарият қисми шоир ҳаётининг охириги ўн йили ичида ёзилган. Бошланиш даврида ёзилган шеърлар билан сўнги шеърларини солиштириб кўрганимизда Харди ижодининг сўнги даврида ўзининг энг сара шеърларни ёзган. Жумладан, шоирнинг ўқувчилар эътироф этган ишқий лирикасининг дурдоналари 1912-1913 йилларда, етмиш ёшга кирган Хардини қаттиқ изтиробга солган биринчи турмуш ўртоғи вафоти ҳақидаги хабардан кейин ёзилган.

"Уэссек шеърлари" деб номланган Хардининг биринчи шеърый китоби 1898 йил охирида нашрдан чиқади. Ундан кейин "Ўтмиш ва ҳозирги кун ҳақида шеърлар" (1902), "Вақт ҳазиллари" (1909), "Ҳар эҳтимолга қарши ҳажвиялар" (1914), "Дил ёриши дақиқалари" (1917), "Кеч ва илк лирика" (1922), "Ҳаёт театри" (1925) ва "Қишқи сўзлар" (1928) чоп этилади.

XIX ва XX аср англиз шеъриятида Харди алоҳида ўрин эгаллайди, у викториан асрида яшаган кўпсонли шоирларга замондош бўлди, уларнинг ижодини доимо кузатиб борди. Улар орасида Альфред Теннисон, Уильям Уордсворт, Роберт Браунинг, Аджернон Суинберн, Уолтер Патер, Редъярд Киплинг каби машҳур қаламкашлар, яна Хопкинс, Йейтс, Хаусмен, Паунд, Эллиот, Лоуренс, Бриджес, Оуэн, Грейвз сингари ёзувчию-шоирлар исмларини келтиришимиз мумкин. Уларнинг айримларидан Харди қандайдир бир нарсаларни ўрганди (Теннисон, Вордсворт, Браунинг), бошқалар эса, ёш авлод шоирлари (Лоуренс, Грейвз) нималарнидир ундан ўрганишди. Бироқ Харди мавзулари ҳам, овози ҳам ўзига хос, уни ҳеч ким билан адаштириб бўлмади.

Шеърятга XIX аср ўрталарида муурожаат қилган Харди алоҳида диққат-

этибор билан Теннисон, Уордсворт ва Браунинг асарларни ўқирди. Романтик-шоирлар орасидан шубҳасиз кучли таъсирни ўтказган Уордсворт ўзининг пасторал поэзияси билан Хардига яқин эди. Агар Харди шеърятини адабий анъаналар нуқтаи назаридан кузатганимизда, у ҳолда Грэй ва Крабб исмларини айтиш лозим; уларнинг элегик ва қишлоқ шеърятини ўз давомини ва кейинги ривожини Харди шеърятинида топди.

Томас Харди шеърларини, албатта шартли равишда, учта бир-бирига умуман тенг бўлмаган қисмларга ажратиш мумкин эди. Биринчисига XIX аср биринчи ярмини Дорсетширига бағишланган шеърлари кирган бўларди. Аксарият ҳолларда булар қишлоқ ҳаётидан олинган кичик кўринишлар ёки афсоналардан иборат. Бу - ўша бутун ҳаёти мобайнида шоирни тўлқинлантирган ўтмишдир. Дорсетширига бағишланган шеърларини Харди ҳаёти давомида ёзган; эҳтимол, улар бошида, охириги йилларга нисбатан, кўпни ташкил этар. Уларда нима тўғрисида гап кетмасда, меҳр-муҳаббат ва гамгинлик билан қайтмас ўтмишни эслаётган шоир овозини эшитамиз. Ана шунинг учун Хардининг ушбу шеърларидан баъзилари ўзига хос эпик ёки драматик характерга эга. Афтидан улар қаторига "Никоҳ кечасидаги ёнғин" ёки "Дайди фожиаси", "Орган чалувчи аёл" ва "Лизби Браун номига" каби шеърларини кўшишимиз мумкин. Бу шеърларда анъаналарда сақланган ёки шоир қайта тиклаган XVIII аср ва XIX аср боши қишлоқ аҳли овозлари янграмоқда. Баъзида битта овоз эшитамиз, баъзан эса Харди ўтмишни драматик шеърый диалогларда жонлантиради.

Харди ўз роман ва ҳикоялари устида ишлаган пайтида яратган шеърлари ҳам борки, улар гўёки шеърятга ўтиб

кетган ўз муаллифи онгида яшаётган ва шеърий мужассамликни талаб этаётган характерлар ва вазиятлар, қаҳрамонларнинг лирик монологлардир.

Маълум маънода Хардининг урушга қарши ёзилган шеърлари А.Э.Хаусменнинг уруш мавзусидаги шеърлар билан бир-бирга ўхшаб кетади. Лекин, улар орасида сезиларли фарқ ҳам бор: ижтимоий жиҳатдан Харди шеърлари анча аниқ тус олганлар; шоир ва филолог Хаусмен шеърлари эса, классикага мансуб бўлган, анча қатъий оҳангда, "антик" усулда битилган. Бу тафовут, эҳтимол, таржимада унчалик сезилмас, бироқ у сўзсиз мавжуд. (Буларнинг ҳаммаси зинҳор Хаусменни, ажойиб шоирни камситиш мақсадида айтилгани йўқ, фақатгина Хардини шоир сифатида анча аниқроқ тасаввур қилиш учун айтилмоқда). Хардининг "Ўтмиш ва ҳозирги кун ҳақида шеърлар" деб номланган иккинчи тўпламидаёқ уруш шафқатсизлиги ва ғайриинсонийлигини фош қиладиган, урушга қарши мавзудаги шеърларини учратамиз. Ушбу тўпламнинг энг яхши шеърлари орасида - "Барабанчи Ходж" бор, бу шеър бугунги кунда ҳам турли антологияларга киритилади. Уруш мавзуси ёзувчининг айнан 1914-1918 йиллар орасида - биринчи жаҳон уруши вақтида ёзган бошқа тўпламларида ҳам ўз давомини ва ривожини топади.

Харди шеърий меросида энг катта гуруҳни, сўзнинг асл маъносида лирика ташкил қилади, бу шоирнинг энг юқори ютуғидир. Вордсворт анъаналарини давом эттириб, Харди лирик шеъриятнинг ажойиб намуналарини, беназир тимсолларини яратади. Табиатдан олинган лавҳалари, манзаралари унинг шеърларида ҳамаша лўнда ва аниқ. Улар табиат феноменлари, йил мавсумлари

алмашиши ва улар билан боғлиқ ҳодисаларнинг узоқлашиб кетган тасвирлари эмас, балки табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларга бой шоир ҳаётининг шеърий солномасидир. Шоир сингари Харди учун табиат ҳаётининг ҳар бир намоён бўлиши руҳлантиради, илҳом бағишлайди ва шу билан унинг руҳий-маънавий ҳаёти билан боғланади. Табиатнинг абадий ўзгараётган қиёфалари, кўринишларини кузатиб, шоир асло чарчамайди. Умуман қилиб айтганда, Харди учун шеърий илҳом париси объекти бўлиб қолаётган ҳамма нарса ички маънога тўла, жонли ва жўшқин-ўрмонли тепаликлар ва дарахтлар, қишлоқ уйлари, ҳайвонлар, қушлар, авлоддан авлодга ўтувчи эски нарсалар, энг асосийси, муҳаббат ва ҳис-туйғулар.

Агностицизм тарафдори Харди атрофдаги барча нарсаларга диний маънони беришдан йироқдир. Атрофдаги нарсаларнинг ҳали очилмаган маънолар тўғрисидаги саволларига у фақат битта гап: "Биз билмаймиз"ни таъкидлашдан чарчамайди. "Октябрдаги тун" шеърини яқунлайдиган бу жумла Харди шеъриятининг саботли лейтмотиви сифатида янграмоқда. У учун бошқа нарса муҳимроқдир: борлиқнинг яширин сирини ечимини қандай бўлишидан қатъий назар, у боб вужуди билан жонли ва жонсиз табиатнинг уйғунлигини, чамбарчас боғланганликларини, узвий бирликларини сезади. Бу ҳис-туйғу Харди лирикасида кўзга яққол ташланади.

Шоирнинг лирик шеърияти чўққиси сифатида танқидчилар бир овоздан Харди биринчи хотини, Эмма Лавинияга бағишланган шеърлар циклини эътироф этадилар. Харди уларни Эмма вафотидан хабар

олганидан сўнг ёзди (у 1912 йил 27 ноябрда вафот этади). Улар - "Йўқ бўлиб кетмоқ", "Сўнги сайринч", "Овоз", "Саёҳатдан кейин", "Бини денгиз буруни", "Ботерел қасри ёнида", "Хаёлдаги сувори аёл" ва бошқалардир. Улар орасига яна "Айрилиқ", "Перрондаги хайрлашув" ва шу каби шеърларни қўшиб қўйиш мумкин бўларди. Хуллас, биринчи хотини вафотидан сўнг ёзган ўн олти шеъри, Харди шеърий меросининг инглиз тадқиқотчиларидан бирининг фикрича, унга XX аср шоирлари орасида фахрли ўрин эгаллашга замин яратиши муқаррардир. Меҳр-муҳаббат ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш ҳис-туйғулари ушбу лирик шеърларнинг ич-ичига сингиб кетган. Ўз лирикасида Харди унинг севги-муҳаббатига таянган, гўёки юқори даражадаги ички "миф"ни яратган. Айнан шу хусусияти Т.С.Эллиотнинг бениҳоят газабини оширганди; у Харди "доим ўзи ҳақида ёзишни маъқул кўради" дея қайд қилади. Харди ва модернист-шоирлар ўртасидаги муносабатларнинг чигаллашиб кетган тарихини биз синчковлик билан ўрганмоқ ниётида эмасмиз. Фақат бир жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчимиз, Т.С.Эллиот модернизмга тўғри келмайдиган Харди шеъриятининг лириклигига ҳар доим қарши чиққан, бироқ айнан лириклик Харди шеъриятининг энг кучли томонини ташкил этган.

Харди лирикасини яхшироқ баҳолаш учун унинг 1912-1913 йилларда ёзилган шеърларини қайтадан ўқиб чиқайлик. Харди шеъриятининг йўли, умуман айтганда, бир текида бўлмаган, унда беқиёс юксалиш ҳам, бирданига кулаш ҳам кўзга ташланади. Ўша йиллари у юксак бадиий, ифодавий ва беназир лирик шеърлар туркумини яратади. Айнан улар шоир лирикасининг чўққиси ҳисобланади.

Шоирнинг "Овоз" деб номланган шеърини олайлик:

*Твой ли то голос, о женщина, ставшая  
Непреходящею болью моей.*

*Слышится мне,*

*словно в пору тогдашнюю*

*Наших начальных безоблачных дней?*

(перевод М.Фрейдкина)

Шеър шоир қўмсаган аёлга мурожаати билан бошланади, чўзиқ нафасда айтилувчи бир жумлада шоир биринчи, булутсиз кундан бошланган севгисининг барча даврларини ёдга олади. Бу ерда бирорта ҳам тасодифий, "ўрта миёна" сўз, ортиқча деталь йўқ. Имкони борича аниқлик ва лўндалик, шоир ва севгилиси ўртасидаги муносабатлар ўзгарувчанлигини ифода этадиган мураккаб синтаксис мавжуд. Иккинчи банд - ўтмиш манзари: аёл ўша-ўша ҳаворанг либосда, яқинлашиб келаётган шоир маҳбубасини интизорлик билан кутмоқда. Учинчи банд - шакли риторик саволдан (жавоби ичида бўлган савол) иборат: намланган майсазорлар устида шитирлаган шамолни иссиз кетиб қолган севгилиси овозига ўхшатмаяптимикан, дея шоир ўз ўзига савол бермоқда.

Икки охири бандларнинг ифодали жарангдорлиги қўмсаш ва изтироб туйғуларини вужудга келтиради. Бизни биринчи сатрга ва асосий мавзуга қайтариб олиб борадиган мисра шеърни яқунлайди. Шу каби туташган, "доиравий", композиция бутун шеърга тугаганлик, охирига етганлик тусини берибгина қолмасдан, балки асосий мавзунини алоҳида кучайтиради. Харди оддий, ammo кучли образли воситалар: шеърий мурожаат, риторик савол, жарангдорлик, такрорлардан устамонлик билан фойдаланади. Метафоралар (истиоралар) йўқлиги эътиборимизни ўзига қаратади. Шеърда,

агар бир неча ора-сира жойлашган эпитетларни (васфларни) ҳисобга олмаганда, бошқа троплар ҳам йўқ. Ўзига чорлаган аёл овози (1-чи банд) кўзга кўринадиган таассурот билан алмаштирилади (2-чи банд), ўз навбатида товушларга, аниқроқ қилиб айтганда, табиат кучлари товушларига ўрнини бўшатиб беради (3-чи банд, 4-чи банд бошланиши), улар эса бошланишдаги овозга, аёл овозига қайтадилар (4-чи банд охириланиши). Ушбу шеърни бошқа шеърлар билан солиштириганда сюжет янги тафсилотлар билан тўлдирилганлигини, деталлар билан бойитилганлигини, макон ва замон билан кенгайганлигини сезса бўлади, Харди лирик шеърятининг қандайдир бир "миф"ига айланганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ, ўтмиш изсиз йўқолмайди, фанога кетмайди. Хардининг ҳар бир янги лирик шеърятида у яна ва яна ҳаётга йўл олади. Бу ўтмиш ва ҳозирги куннинг бир-бирига қўшилиб кетганлиги, уларнинг қайтадан жонланиши Харди лирикаси "мифологиклигини"нинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Умрининг сўнггида Харди хотира дафтарыда шундай ёзган: "Нисбийлик. Нарсалар ва воқеалар ҳар доим бўлган, бор ва бўлади (масалан, Эмма, онам ва отам ҳамишагидек ўтмишда яшамоқдалар)". Ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак уйғунлиги, орасидаги шуъла сочишлари, улар борлигининг бир лаҳзаси ва бўлиб ўтган нарсаларнинг мангу такрорланишлари - Харди лирик шеърятининг "миф"ининг асоси шудир.

Харди ижодининг кўпгина тадқиқотчилари унинг лирикасида фақат ўзига хос хотира дафтарини кўрадилар, унда эса шоир ҳаётининг катта ва кичик воқеаларини, табиат устидан кузатувларини, ҳаёт маъноси ҳақидаги фикрларини қайд қилган. Қайсидир бир тарафдан бу тўғри.

Албатта, ҳар бир шоирнинг ижоди хотира дафтаридан "ўсиб чиққан". Харди эса, агар "Династы" (1904-1908) деб номланган эпик поэмасини ҳисобга олмаганда, у кўпроқ лирик шоир бўлган.

Харди шеърятининг шакли бўйича анъанавийдир, у қадимий ўлчовдан фойдаланиб, қофияланган шеър ёзди. Лекин, анъанавий доирада қолиб, уни ривожлантирди ва давом эттирди. Харди ёш Роберт Грейвзга йўллаган хатида: "Бизлар қадимий усулда фақат эски мавзуларни ёзишимиз мумкин, аммо ўтмишдошларимизга қараганда бизлар буни янада яхшироқ бажаришимиз керак", деб ёзади. Халқ шеърятига қаратилган лирикаси ва Уэссекс шеърларининг ўзига хослиги Хардининг оригинал тарздаги ритмика ва строфикасида ўз аксини топди. Харди анъанавий ўлчовлардан фойдаланади, ритм ва шеър бандига кенг равишда турли шакллар киритади, уларни сўзлашув тилига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, шоир фақат унга хос вазн ўлчовларида такрорланмайди. Қофияланган шеърларни афзал кўриб, Харди тўлиқсиз ва тугалланмаган қофияни ҳам тез-тез ишлатиб туради. Ўзининг хотира дафтарларида ёзган: "онда-сонда киритилган ноаниқ ўлчов ва қофия, тўғриларга қараганда, анча ёқимлидир".

1919 йили Харди туғилган кунига ажойиб бир совға қабул қилиб олди - "қирқдан зиёд замондош-шоирлар унга ўз қўллари билан ёзган шеърларнинг чиройли муқоваланган кичкина жилдлигини тортиқ қиладилар". Ҳаётининг охириги ўн йиллигини яшаётган шоирнинг бу совғадан кўнгли кўтарилиб кетган эди, ва у учинчи шахс томонидан ёзилган "Ҳаёт тасвирлари"да шундай қайд қилади: "агар улар уриниб унга шеър ёзиб беришга аҳд қилган

бўлсалар, у, албатта, ўзини уларга хат ёзишга уринтиради, деб, ҳар бирига жавоб беришга қарор қилди ва ниятига эришди, гарчанд бу унинг анча вақтини олган бўлса ҳам, эҳтимол ҳаётида биринчи марта, сокин тун қоронғисида ҳозирги замон шеъриятида у охириги куч эмаслигини у англаб етган бўлса ажабмас".

Хардининг ўта камтаринлиги ва камсуқумлиги ҳақида ҳам унинг замондошлари ўз фикрларини ёзиб қолдиришган. Масалан, Дж.М.Барри Харди ҳақидаги хотираларида ёзади: "Хардини биринчи марта мен Пикадиллидаги клубда учратдим, мени у бирга тушлик қилишга таклиф қилганди. Шунга ўхшаш клубларда тушликдан кейин ҳамма чекиш хонасига ўтардилар ва бир-икки соат бадийий услуб хусусида қизгин баҳслашишарди. Баҳсларга Харди деярли аралашмас, унинг гапирганлари эса ҳеч кимда ҳеч қандай таассурот қолдирмасди. Мен ўйлардим: "Қандай қизиқ, орамизда ўз услубига эга бўлган ягона одам, услуб ҳақида ҳеч нарса демайди". Агарда гап ўша давр инглиз адабиётининг сара-сара намояндалари йигиладиган клублардан бири ҳақида кетганлигини назарда тутсак, ушбу

эпизод бунданда катта аҳамият касб этади. Барри давом этади: "У ҳеч қачон машҳур бўлишни, унинг номига шону-шарафлар айтилишини истамасди. Агар у шеъриятидан бир амаллаб қутулганида, эшигини биринчи тақиллатган қамбағалга уни қувониб бериб юборган бўларди".

Бу сўзлар Харди вафот этганидан сўнг, 1928 йил 11 январда айtilган эди. Дарвоқе, Харди вафотидан сўнг Қиролик академияси ўзининг олтин медалини унга тақдим этди. Оксфорд, Кембридж, Сент-Эндрюс, шунингдек, Абердин ва Бристол университетлари шоирни фахрий аъзо этиб сайладилар, унга Буюк Британия олий мукофоти - "Буюк хизматлари учун" орденини беришди. Унинг жасади Вестминстер аббатлигидаги шоирлар аллеясига, Англия адабиёт пантеонига дафн этилди. Эҳтимол, Баррининг қуйидаги сўзлари энг яхши эпитафия ўрнида янграр: "Харди тонг ёришган ёки қош қорайган пайт деразага бир сонияга кўз ташлаб, шу заҳотиёқ ўша чоққача инсон назаридан яширинган ниманидир кўриб қоларди. Бу нодир қобилиятдан кўпчилик маҳрум, унга фақат сара мумтоз инсонлар эга бўладилар".

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ АЁЛ ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛИК  
ТЕРМИНЛАРИДА ЛАКУНАЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ**

**Исматуллаева Наргиза Расулжановна**

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Таржимашунослик кафедраси таянч докторанти  
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

**For citation:** Ismatullayeva Nargiza. LACUNARITY IN WOMEN KINSHIP TERMS IN CHINESE AND UZBEK LANGUAGES. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 6, pp. 15-21



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-2>

*Келиб тушган сана 20 июнь, 2019*  
*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада хитой ва ўзбек тилларида аёл жинсига мансуб қавм-қариндошлик терминларидаги лакуналарнинг воқеланиши, уларнинг таржимадаги ифодаси каби масалалар ўрганилган. Хитой тили ва ўзбек лингвомаданияти чоғишмасида лакуналар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, булар нафақат тил сатҳларида балки таржима жараёнида ва чет тилларини ўргатишда ҳам бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Шу маънода, лакуна ҳодисасини алоҳида тадқиқ этиш тақозо қилинади.

**Таянч сўзлар:** лакуна, лакунарлик, қавм-қариндошлик терминлари, мурожаат шакллари.

---

**ПРОЯВЛЕНИЕ ЛАКУН В РОДСТВЕННЫХ ТЕРМИНАХ ЖЕНСКОГО РОДА В  
КИТАЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**Исматуллаева Наргиза Расулжановна**

Докторант кафедры "Переводоведения",  
Ташкентского государственного института Востоковедения  
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье рассматриваются вопросы выявления лакун терминах родства женского пола на китайском и узбекском языках, а также их элиминация при перевода. До сих пор, лакуны в китайском и узбекском лингвокультурах не изучались как отдельный объект исследования. Феномен лакунарности создает ряд трудностей не только на уровне языка, но и при переводе и преподавании иностранных языков.

**Ключевые слова:** лакуна, лакунарность, термины родства, формы обращения.

## LACUNARITY IN WOMEN KINSHIP TERMS IN CHINESE AND UZBEK LANGUAGES

Ismatullayeva Nargiza Rasuljanovna

Senior researcher of Department of Translation Studies, Tashkent state institute of Oriental languages  
ismatullayeva.nargiza@gmail.com

### ANNOTATION

This article deals with issues such as the revealing lacunas in in the female kinship terms in Chinese and Uzbek languages, and the elimination of these lacunas in translation. Lacunas in the Chinese and Uzbek linguacultures have not been studied as a separate research object. Phenomenon of lacunarity creates a number of difficulties not only on the language level, but also in the translation and teaching of foreign languages. In this sense, it is necessary to investigate the concept of lacuna.

**Key words:** lacuna, lexical gap, lacunarity, kinship terms, forms of address.

Дунёнинг ҳеч бир тили йўқки, унда кон-қариндошликка оид сўзлар тизими мавжуд бўлмаса. Қавм-қариндошлик сўзларининг ижтимоий-лисоний воқеланиши, табиийки, ибтиодий жамият давридан бошланган бўлиб, тадрижий жараёнда қариндошлик сўзлари қондошлик ришталарига кўра ўзаро фарқланиб бориши натижасида миқдор жиҳатдан кўпайган. Тилнинг ички ифода хусусиятларидан келиб чиқиб ва шевалар ҳисобига қариндошлик сўзларининг синонимик қаторлари ҳам бойиб борган. Жумладан, ўзбек миллати каби хан миллати ҳам оилани, оила аъзоларини, қариндошлик ришталарини ниҳоятда қадрлайди. Мил. ав. 6-5 асрларда яшаб фаолият юритган Хитойнинг буюк файласуфи, мутафаккири, педагоги Конфуцийнинг таълимотида ҳам оила, ота ва айниқса фарзандлик эҳтироми борасида турли қимматли қарашлари бўлган. Конфуций таълимотининг энг асос мазмунини ўз ичига қамраб олган унинг “Сухбат ва мулоҳазалар” асаридан шу борада бир қатор ҳикматли сўзлари келтирилган.

孝悌也者，其為仁之本與？ Xiào tì yě zhě, qí wéi rénzhī běn yǔ?

Ота-онани эҳтиром айлаш, оға-иниларнинг сўзларига қулоқ солиш – инсонпарварликнинг тамалидир! [1, 16]

Конфуцийнинг асаридан келтирилган мазкур жумлада 孝 xiào (фарзандлик эҳтироми, ота-онага эҳтиром кўрсатиш) ва 悌 tì (оға-иниларни хурмат қилиш) сўзлари ўзбек тилида бир сўз билан ифодаланувчи муқобилига эга эмас. Бу эса ўз навбатида икки тил орасида лакунарлик ҳодисаси воқеланишига олиб келади. Канадалик тилшунослар Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелнелар мазкур ҳодисага шундай таъриф берган: “Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади” [2, 145]. Тилшунос олим В.Г. Гак лакуналарни бу тил лексик тизимидаги бўшлиқлар бўлиб, унинг акс эттирувчи функцияси (яъни, объектив воқеий тушунча-ҳодисани ифода этиш вазифаси)дан ва тилнинг лексик тизимидан келиб чиқадиган бўлсак, тилда мавжуд бўлиши керакдек туюлсада, лекин сўзларнинг мавжуд бўлмаслигидир, дея изох беради [3,1].



Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хитой ва ўзбек тиллари қиёсида лакунарлик ҳодисаси қавм-қариндошлик терминлари орасида кўп учраши кузатилади. Қавм-қариндошлик терминларидаги лакунарлик ҳодисасини кўрсатиш учун мазкур мақоламизда улардан аёл жинсига мансуб сўзларни хитой ва ўзбек тиллари мисолида кўрсатишни жоиз билдик.

Хитой тилидаги аёл қариндош сўзлари, уларнинг мурожаат шакллари ўзбек тилидагига нисбатан анча кўп ва улар анча хусусий характерга эга бўлиб, ўзбек тилида лакуналарнинг воқеланишига сабаб бўлади. Яъни хитой тили фонида ўзбек тилида кўплаб лакуналар вужудга келади. Хитой тилида қавм-қариндошлик терминлари миқдор жиҳатдан кўплигининг сабабини Хуанг Жэфунинг фикрларидан олиш мумкин: “Анъанавий хитой маданиятида бирор бир оила қудрати кучайиб боргани сари, ундаги оила аъзолари сони ҳам кўпайиб боради, мана шу оила бой-бадавлат ҳаётга эришади. Аксинча, бир оила заифлашиб боргани сари, оила аъзолари ҳам сон жиҳатидан озайиб кетади, бу эса ўз ўрнида оиланинг таназзулга юз тутаётганлигини билдиради” [4, 128]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қадимдан хитойликлар бой ва фаровон ҳаёт кечириш илинжида, оилада кўпчилик бўлиб жипс ва иноқ яшаш уларнинг қадрий одатига айланган. Турли қондошлик ришталаридан келиб чиқиб эса, оила аъзоларини фарқлаш мақсадида уларга алоҳида-алоҳида ном бериш талаб қилинган.

И.Исмоиловнинг ишларига кўра, ҳозирги замон ўзбек тилидаги қавм-қариндошлик терминлари ўзларининг келиб чиқиши ва маъносига кўра асосан учта катта гурпуга бўлинади:

1. Қон-қариндошлик терминлари: она, ота, амма, бува.
2. Никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик терминлари: эр, хотин, келин, овсин, қайин она, қуда хола, ўғай она.
3. Яқинлик номлари: тутинган она, тутинган қиз [5, 10-11].

Хитой тилида эса бундай терминларнинг таснифланиши ўзгачароқдир. Қадим замонлардан буён хитой жамияти анъаналари эркак киши марказ ҳисобланмиш патриархал қарашларга асосланган. Хитой жамиятида қариндошлик муносабатлари уч турга бўлинган: 宗亲 zōngqīn – бир уруғга мансуб (ота томондан) қариндошлар, 外亲 wàiqīn – она томондан қариндошлар ҳамда 妻亲 qīqīn – рафиқанинг қариндошлари.

Ўғай фарзанд ва ўғай ота, иккинчи даражали рафиқанинг ўғли, отанинг бош рафиқаси, қайнона ва қайнога (эрнинг ота-онаси), келин (ўғилнинг турмуш ўртоғи), овсин қабилар улар ўртасида қондошлик алоқалари бўлмасада, ота томондан қариндошлар турига киради [6, 7].

Аёл қавм-қариндошлик терминларидан табиийки, авваламбор “она” сўзини олсак, хитой адабий тилида 母亲 mǔqīn сўзи билан юритилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида она терминининг синоними сифатида ишлатилиб, онани улуғлаш, уни юқори даражага кўтариш, улуғ инсон, сиймо сифатида тасвирлаш жараёнида волида термини она термини билан баробар ишлатилади, дейди И.Исмоилов [5, 18]. Демак, 母亲 mǔqīn сўзини таржимада “она”, “волида” сўзлари билан беришимиз мумкин. Лекин хитой тилида қавм-қариндошлик ришталарини кўрсатувчи шундай ўзига хос мурожаат шакллари мавжудки, булар ўзбек тилида бўшлиқни ҳосил қилади.



Бевосита ўзбек тилидага таснифланишга кўра никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик терминларига келсак, улардан бири ҳисобланмиш ўзбек тилидаги “қайнона” сўзининг хитой тилидаги куйидаги лақналар шакллари кўриш мумкин: а) хотинининг онаси – 岳母 yuè mǔ, 丈母娘 zhàngmu[niáng]; б) эрининг онаси – 婆婆 pó pó, 婆母 pó mǔ; в) эрининг вафот этган онаси – 先姑 xiāngū.

Хитой тилида қариндошлик номлари 面称 miànchēng шахсий мурожаат сўзлари (масалан, қайнотага “адажон”, қайнонага “ойижон” каби мурожаат сўзлари) ва 背称 bèichēng расмий мурожаат сўзларига фарқланади [7, 59 ва 945]. Ўзбек лингвомаданиятида ҳам “қайнона”га нисбатан оғзаки мурожаатда кўпинча “ойижон” шакли ишлатилади.

您要做个婆婆却容易；二弟尽可于结婚之后再出国。Nín yào zuò gè pó pó què róngyì; èr dì jìn kě yú jiéhūn zhīhòu zài chūguó [8, 43].

Сизнинг қайнона бўлишингиз осон, иккинчи укам имкон қадар уйланганидан сўнггина хорижга кетади.

Ўзбек тилида яна бир қатор лақналарни юзага келтирувчи қавм-қариндошлик тушунчаларидан бири бўлмиш “келинойи” сўзи қариндошлик алоқаларига кўра хитой тилида куйидагича фарқланади:

а) отанинг акасининг хотини, яъни катта амакининг хотини – 伯母 bómǔ, 大娘 dàniáng; б) отанинг укасининг хотини, яъни кичик амакининг хотини – 叔母 shūmǔ, 叔妈 shūmā; в) тоғанинг хотини – 舅母 jiùmǔ, 舅妈 jiùmā; г) аканинг хотини – 嫂子 sāozǐ; д) никоҳ тўйи маросимидаги янга келинойи 伴娘 bànniáng.

订婚以后，舅母以为未婚男女应当避嫌，他们的踪迹便疏远了。Dìnghūn yǐhòu, jiùmǔ yǐwéi wèihūn nǎnnǚ yīngdāng bìxián, tāmen de zōngjī biàn shūyuǎnle [8, 39].

Унаштирилгач, келинойим (тоғамнинг хотини) бўлажак келин-куёв шубҳалардан холи бўлиши керак деб ўйлаган эди. Шунда уларнинг қадами узоклашди.

Шу ўринда “келин” тушунчасини ифодалашда ҳам икки тил ўртасида лақналик ҳодисаси кузатилади:

а) уканинг хотини – 弟妇 dìfù ёки 弟媳 dìxí; б) ўғилнинг хотини – 儿媳妇 érxífù ёки қадимда 少奶奶 shàonǎinai; в) никоҳ тўйи маросими пайтидаги келин – 新娘 xīnniáng.

“Келин” сўзининг хитой тилидаги уч нафар 儿媳妇 érxífù, 少奶奶 shàonǎinai, 弟妇 dìfù лақналар бирликларини хитой ёзувчиси Бинг Синнинг “Аёл ҳақида” асаридagi “Мени “бобой” деб атовчи келиним” ҳикоясида кўришимиз мумкин.

我常对我的父亲说：“别人家走的都是儿子的运，我们家走的却是儿媳妇的运，您看您这三位少奶奶，看着叫人心心里多么痛快！”Wǒ cháng duì wǒ de fùqīn shuō: “Bíerén jiā zǒu de dōu shì érzi de yùn, wǒmen jiā zǒu de què shì ér xífù de yùn, nín kàn nín zhè sān wèi shàonǎinai, kànzhè jiào rén xīnlǐ duōme tòngkuài!” [8, 39].

Мен кўпинча отамга шундай дердим: “Ўзгалар ўғилнинг омади бўлади, лекин бизнинг оила келинлар (ўғил келинлар)нинг омадидир. Қаранг, мана бу уч келинингизни кўрганда кишининг дили нақадар қувонади-я!”

我的二弟妇，原是我的表妹，我的舅舅的女儿，大排行第六，只比我的二弟小一个月。Wǒ de èr dìfù, yuán shì wǒ de biǎomèi, wǒ de jùjiù de nǚ'ér, dà páiháng dì liù, zhǐ bǐ wǒ de èr dì xiǎo yīgè yuè [8, 39].

Иккинчи келиним (иккинчи укамнинг хотини), аслида жиян синглим, тоғамнинг олтинчи фарзанди бўлади. Укамдан атиги бир ойгина кичик.

Ўзбек тилида ном берилмаган қариндошлик сўзларидан бири бу “қиз бола жиян” тушунчаси бўлиб, мазкур тушунча хитой тилида бир неча шаклда, а) ака ёки укамнинг қизи, яъни ака ёки ука томондан қиз бола жиян – 侄女 zhí nǚ; б) опа ёки сингилнинг қизи, яъни опа ёки сингил томондан қиз бола жиян – 甥女 shèng nǚ; в) хотинининг ака-укасининг қизи – 内侄女 nèi zhí nǚ; г) хотинининг опа-сингилсининг қизи – 内甥女 nèi shèng nǚ; д) эрининг ака-укасининг қизи – 外侄女 wài zhí nǚ деб юритилади.

Ўзбек тилидаги қайин бўйин қариндошлик термини сифатида эрининг акасининг, опасининг, шунингдек, хотинининг акасининг, опасининг болаларига нисбатан умумлаштирувчи, жамловчи термин сифатида ишлатилади [5, 125]. Хитой тилида эса бундай жамловчи термин мавжуд бўлмай, “қайин бўйин” термини лакунар birlik ҳисобланади.

Ифодаланишига кўра, ўзбек тилидаги отаси ва онасининг туғишган ака, ука, опа, сингилларининг болаларини ифодаловчи терминларни қуйидагича классификация қилиш мумкин; ф) онасининг опаси ва сингилсининг (ўзига нисбатан хола) акаси ва укасининг (ўзига нисбатан тоға) болаларининг унинг жинсидан ва ёшидан қатъий назар, умум термин – қўшма сўз билан ифодаловчи туркий [5, 91-92] тилга ўзбек тилини киритиш мумкин. Ўзбек тилидаги бу термин асососан араб тилидаги хола ва форс-тожик тилидаги бачча / вачча сўзларининг қўшилишидан таркиб топгандир. Онасининг акаси ва укасининг болаларини ифодалаш учун эса туркий сўз тоға ва форс-тожик тилидаги вачча сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган тоғавачча термини ишлатилади. Катта, кичик қиз ёки ўғил холавачча ёки тоғавачча формаси ўзбек тили учун жинсни кўрсатиб келган шакл бир оз сунъийроқдир. Чунки ўзбек тилидаги терминларнинг бундай аниқловчи формаси ишлатилмайди ёки кўринмайди. Бунинг ўрнига катта холамнинг қизи; кичик тоғамнинг ўғли деб айтиши мумкин. Бу ҳолда, албатта, вачча сўзи ишлатилмайди [5, 92].

Қавм-қариндошлик терминларидан мана шу турда ясалган сўзларга эса хитой тилида алоҳида-алоҳида муқобил вариантлар мавжуд эмас. Масалан, 表妹 biǎomèi сўзи амма, тоға, холанинг ўзидан ёши кичик бўлган қизини кўрсатади. “Тоғавачча” сўзида жинс ва ёш хусусияти анланмасада, қариндошлик ришгаси аниқ кўринади, яъни онанинг акаси ёки укасининг фарзанди. 表妹 biǎomèi сўзида эса аксинча, жинси, ёши кўрсатилган, лекин қариндошлик муносабати аниқ эмас. Мана шу ҳолатда икки хил формадаги лакунага дуч келамиз.

Ўзбек тилидаги бу амакивачча, аммавачча, тоғавачча ва холавачча терминлари сингари шахснинг жинсини ва ёш жиҳатидан бўлган фарқини, отасининг опаси ёки синглизининг боласи эканлиги кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам жинсини кўрсатиш учун ўғил, киз аниқловчилари III шахс бирлик, эгалик аффикси –и билан, ўғли, кизи формасида, ёши ва отасининг опасининг боласи билан синглизининг боласини кўрсатиш учун амма ва амакасига нисбатан катта, кичик аниқловчилари билан аниқланган ҳолда катта аммамнинг ўғли; кичик аммамнинг катта қизи; кичик амакимнинг кичик ўғли каби формаларида ифодаланиб келади. Бу формада у шахсни бирор бегона кишига таништириш мақсадидагина қўлланилади. Акс ҳолда, катта бўлса ака, опа, кичик бўлса ука, сингил терминлари ёки шахсий отини айтиб мурожаат қилаверади. Хитой тилида ҳам худди шундай ҳолатни кузатамиз. Яъни юқорида кўриб чиққанамиз каби, икки хил расмий ва оғзаки муроҷжат шаклларида келиб чиқиб, ўзбек тили каби оғзаки нутқда ака, опа, ука, сингил ва шахсий исмларни қўллаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни кўрсатиш мумкинки, хитой ва ўзбек тилларида қавм-қариндошлик терминларини ифодалашда бир қатор ўзбекча-хитойча лақуналар, яъни хитой тили фонидagi ўзбекча лақуналар воқеланади. Бунга сабаблардан бири сифатида қадимдан анъанавий хитой оиласининг неча поғона авлод ва неча ён қариндошлик бўйича оила аъзоларининг бир оилада турмуш кечиришидир. Лекин шу ўринда айтиш керакки, анъанавий ўзбек оиласида ҳам ота томондан қариндошлар бир хонадонда истиқомат қиладилар. Яна бир омил тариқасида Гулинигор Аҳадий хитой тилида қавм-қариндошлик терминларининг мураккаблиги, миқдорининг кўплиги хан миллати маданиятида узоқ тарихга эга “эркакни устун қўйиб, аёлни писанд қилмаслик” каби ижтимоий ҳодисаси мавжуд бўлган [4, 128] лигидан деб билади. Ҳақиқатдан ҳам, қавм-қариндошлик терминларининг хитой тилидаги таснифи бўйича бир уругга мансуб (ота томондан) қариндошлар гуруҳига кирувчи терминлар, она томондан кирувчи терминларга нисбатан анча кўпроқдир.

#### Адабиётлар:

1. Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар / М. Махмудходжаев, Н. Исматуллаева таржимаси / . – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
2. Усманова Ш.Р. Таржиманинг лингвотармавий аспекти (дарслик). – Т.: ТошДШИ, 2017.
3. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003.
4. 古丽妮孜尔-艾海提. 汉、日、维吾尔语亲属称谓的对比. – 吉林: 吉林省教育学院学报, 2015, 06 (31).
5. Исмоилов И.А. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Т.: Фан, 1966.
6. 胡士云. 汉语亲属称谓研究 (博士学位论文). – 暨南: 暨南大学, 2001.
7. 现代汉语词典 (第5版). – 北京: 商务印书馆, 2005.
8. 冰心. 关于女人 (汉英对照). – 北京: 外语教学与研究出版社, 2012.

---

**СЎЗ САЊЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ГЕНДЕР ЛЕКСИКАСИ, АТАМАЛАРИ, ҶИШАШЛИКЛАРИ ВА  
ФАРҚЛАРИНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАХЛИЛИ**

**Чўтпўлатов Муҳаммад Чориевич,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
"Хорижий тиллар" кафедраси мудири

**For citation:** Chutpulatov Muhammad Chorievich. LINGUOSTASIS ANALYSIS OF THE GENDER OF VOCABULARY, CONCEPTS, IDENTITIES AND DIFFERENCES. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 5, pp. 22-30



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-3>

*Келиб тушган сана 23 июль, 2019*  
*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Ушбу мақолада ҳозирги замон тилшунослигининг янги тармоқларидан бўлган гендер тилшунослиги ҳамда лингвостатика тўғрисида умумий маълумот берилди, ҳамда гендер лексикани ўрганишда учрайдиган асосий атамаларнинг ўзига хос хусусиятлари лингвистик нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** гендер, социум, атама, атамашунослик, лексика, коммуникация, лексик-семантик гуруҳлар, синоним вариантлари, дефиниция, феминизм, гендеротермин

---

**ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЕНДЕРА ЛЕКСИКИ, ПОНЯТИЙ,  
ТОЖДЕСТВ И РАЗЛИЧИЙ**

**Чўтпўлатов Муҳаммад Чориевич**  
Заведующий кафедрой иностранных языков  
Академии государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан

В этой статье дается общая информация о гендерной лингвистике и лингвостатике, обобщены новые разделы современной лингвистики и дан детальный анализ специфических особенностей основных терминов, часто встречающихся в изучении гендерной лексики с лингвистической точки зрения.

**Ключевые слова:** пол, общество, термин, терминология, словарный запас, общение, лексико-семантическая группа, синонимичные варианты, определение, феминизм, гендерный термин

---

## LINGUOSTASIS ANALYSIS OF THE GENDER OF VOCABULARY, CONCEPTS, IDENTITIES AND DIFFERENCES

**Chutpulatov Muhammad Chorievich**

Head of the Department of Foreign Languages  
of the Presidential Academy of Public  
Administration of the Republic of Uzbekistan

ANNOTATION

This article gives general information about gender linguistics and linguistics - new branches of modern linguistics and in-detail analysis of the specific peculiarities of main terms frequently found in learning gender vocabulary from linguistic viewpoint will be summarized.

**Key words:** gender, society, term, terminology, vocabulary, communication, lexico-semantic group, synonymous variants, definition, feminism, gender term

Жамият ривожланишининг замонавий босқичида инсон ҳаётининг жинслар ўртасидаги ўзаро муносабати, яъни гендер, феминизм каби муаммоларга катта аҳамият қаратилади (Гендер тадқиқотлари антологияси, 2000; Воронина, Клименкова, 1999). Ушбу муаммолар борган сари ижтимоий жиҳатданмуҳимаҳамият касб этиб, илмий нуқтаи назардан долзарб тус олмақда. Бу ҳолат биринчи навбатда инсон ҳаётининг деярли барча соҳалари, шу жумладан, оила, наслнинг давом эттирилиши, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги, аёлларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аёллар бандлиги, аёлларнинг давлат хизматларидаги иштироки каби аспектлар ва социум (социумлар)нинг бошқа бир қатор муҳим соҳалари жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги билан боғлиқдир (Feminism and Methodology, 1987; Reinhart, 1999).

Гендер атамашунослиги таҳлили, дифференциацияси ва туркумлашуви бугунги кунда қатори илмий йўналишлар, шу жумладан тил билишга тааллуқли бўлган инсон, табиат ва бошқа унсурлар ҳаётига алоқадор долзарб илмий вазифага айланган, чунки ҳамма нарса умуман олганда, сўз билан, хусусан илмий атамалар билан ифодаланади ва расмийлашади,

атамаларнинг махсус соҳалар (илм йўналишлари) бўйича таснифлашуви эса фан даражасини, жамият тизимининг муайян тарихий босқичидаги ривожини акс эттиради (Лейчик, 1990, 63-бет). Масаланинг моҳияти шундаки, муайян атама тизимдан ташқарида ишламайди, аммо ўз тизимидаги бошқа атамалар қатори атамалар тизими доирасида фаолият кўрсатади (Городецкий, Раскин, 1969, 135-бет).

Илм ўрганишининг ҳар бир соҳаси ўз терминологиясига эга эканлиги табиий. Бинобарин, қоидага кўра, турдош ва масалан, гендер лингвистикаси каби междисциплинар фанлар терминологиялари орасига қатъий чегара қўйиш ёки терминология ва умумий лексика орасидаги чегарани олиб ташлаш жуда қийин. Сабаби, терминология ва умумидабий тил ўртасидаги ўзаро муносабатлар чегараси ҳаракатчан, ўзгарувчан ва лексик бирлик терминализацияга айланиши, атама эса банализацияга, яъни умумидабий сўзлар қаторига, ўтиши мумкин (Кабре, 1999, 25-бет), терминшуносликда эса бугунги кунда атама ва лексика ўртасидаги муносабатга нисбатан, қуйидаги позицияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1) Термин** - лексик бирлик (сўз)ка қарши қўйилган ва алоҳида

меъёрлашишга, ишлаб чиқариш зарурати ва тегишли туркум талаблари туфайли умумий лексика тизимидан ажралиб чиқишга маҳкум алоҳида бирликдир. Демак, атамалар, уларнинг тил ости доирасидаги тизимлашуви, тузилиш модели адабий тилнинг умумий қўлланишидан алоҳида ажралиб туради (Суперанская ва бошқалар, 2004, 28, 60-61-бетлар).

**2) Терминолексика** - умуми адабий тилнинг худди сўз каби фонетик, морфологик, грамматик, график хусусиятларга эга бўлган бир қисми; терминосистема ва умуми адабий тил лексикаси орасида доимий алмашинув рўй бериб туради, натижада лексик бирлик терминга, термин эса лексик бирликка айланади (Кабре, 1999, 25-бет).

Шу тариқа атамаларнинг умумий қўлланиши лексика билан боғлиқлиги фарқланувчан: айрим атамалар, улар кенг қўлланилиши туфайли термин сифатида англашилмаслиги мумкин, масалан, жиноятчиликка қарши курашувчи мутахассислар тилига оид криминал ва профессионал терминлар каби. Зеро, жиний гуруҳ, тергов, ствол, ўқотар, қидирув сингари бундай атамалар детектив сериаллар, кинофильмлар орқали бевосита халқ ичига кириб боради. Айримлари камроқ оммалашган, бироқ хос табақага маълум бўлган ва шу доирада ишлатиладиган, учинчи гуруҳга тааллуқлилари эса жуда тор доирада ва фақат мутахассислар томонидан қўлланиладиган атамалардир. Ўз-ўзидан атама билан англашиладиган қўлланилиш даражаси, тушунчанинг илмийлиги асосан, унинг қай даражада кенг ёки тор доирада қўлланилишида аён бўлади.

Гендер лингвистикасидек мураккаб фанларора илмий ҳодисада "Терминология" ва "лексика"

тушунчалари орасидаги чегарани англашда ўз-ўзидан гендер атамалари ва гендер лексикаси орасидаги ўхшашликлар ва фарқлар нимада, деган ҳақли бир савол туғилади. Масаланинг моҳияти шундаки, лексик бирликларнинг гендер ёндашуви нуқтаи назаридан қўлланиши ҳали улар (лексик бирликлар)нинг гендер лексикаси эканлигини, яъни, масалан, тиббиёт ёки социология ёхуд лингвистика вакили нуқтаи назаридан гендер атамалари ва гендер лексикаси сифатида бирдек қўлланилиши мумкин бўлган махсус лексика эканлигини англамайди. Бинобарин, лингвист нуқтаи назаридан гендер йўналиши ҳар хил тизимли тиллар лексикасининг қиёсий таҳлилида таҳлил қилинаётган лексик бирликлар гуруҳини гендер лексикаси сифатида аниқлаш имконини беради ва бу билан бошқа тиллар тизимлари гендер лексикаси, масалан, инглиз тилини рус тили билан, рус тилини ўзбек тили билан, инглиз тилини ўзбек тили билан қиёсий таҳлил қилиш учун уни умумий қабул қилинган лексикадан ажратади, натижада тиллар орасидаги турфа хил ўхшашликлар ва фарқлар юзага чиқади. Масалан, турдошлик даражаси белгилари кўпроқ жамият қурилиш тизими, унинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ва жамият иерархиясига боғлиқ бўлади. Инглиз ва рус тилларида одатий бўлган "brother-sister" - "брат-сестра" турдошлик маркерлари қариндошлик даражалари анъанавий тарзда мураккаб оилавий иерархия анъаналарига асосланган давлатлар тилларида мутлақо ўзгача манзара касб этади: масалан, япон ёки ўзбек тилида юқоридаги мазмунни биргина "ака" ёки "опа" сўзи билан ифодалаб бўлмайди, яъни "старший брат" ўзбек тилида "ака", япончада "ани" ёки "младший брат" ўзбек тилида "ука", япон тилида "отоото", "старшая



сестра" япон тилида "анэ", ўзбекчада "опа" ёки "младшая сестра" япончада "имоото", ўзбек тилида "сингил" тарзида қўлланади (Minna no Nihongo, 2014, 70-71-бетлар). Япон ва ўзбек тилларидаги оилавий муносабатлар иерархизациясига оид ўхшашликлар шу ерда тугайди ва фарқлар бошланади: япон тилида бошқа одамнинг ака-опа ёки ука-синглисига алоҳида ҳурматни ифодаловчи лексика мавжуд: "ониисан" - "ака" (бировнинг акаси) ёки "отоотосан" - "ука" (бировнинг укаси); "онэсан" - "опа" (бировнинг опаси) ёки "имоотосан" - "сингил" (бировнинг синглиси) (Minna no Nihongo, 2014, 70-71-бетлар). Ўзбек тилида эса ўзининг ва бошқа бировнинг яқин қариндошлари ўртасидаги дифференциация ўзгармас фонетик сўзлар билангина чегараланади, фақат сўз қаратилган шахсининг исмига қаратқич келишиги қўшимчаси - нинг қўшилади: Алишернинг ака/ука/опа/синглиси.

Худди шундай мураккаб номинация боланинг ёш даражаси ва жинсини фарқламаслик ёки аниқлаштириш имконини беради, бироқ уларнинг маъносини, анчайин мураккаб тил тизмида, масалан, япон тилида гапирилаётган оилага мансублик ёки мансубмасликни ҳам ҳисобга олади ва таъкидлайди.

Ҳар қандай тилда дунёнинг ментал манзараси акс этишини, қиёсий таҳлил - метод эса дунёвий тил манзарасида намоён бўладиган тиллар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаб беришини ҳисобга оладиган бўлсак, лингвистикага "гендер лексикаси" тушунчасининг киритилиши ва унинг мазкур йўналиш доирасидаги терминлашуви табиий жараён эканлиги ойдинлашади.

Демак, гендер соҳасидаги социология, психология, лингвистика ва бошқа гуманитар ва ижтимоий

фанлар услубига асосланган назарий ва амалий тадқиқотларнинг кўп қирралилиги янги терминологик аппарат қўллашни талаб этади. Масалан, "гендер" тушунчасининг терминлашуви тил ва коммуникацияда гендер юзага келишининг лингвистик тамойилларини ўрганишга рағбат беради.

"Гендер" атамасига нисбатан илмий дефиниция тушунчасини тадбиқ этишга бўлган дастлабки уринишлардан бирисифатида гендер биологик жинсни жамият фаолияти предмети сифатида мувофиқлаштириб турадиган мослашувлар мажмуаси, деб атаган антрополог Гейл С. Рубиннинг ишини келтириш мумкин (Gayle R, 1975).

Америкалик социолог Э.Гидденс ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ўз "гендер" атамасидефинициясида "жинс" ва "гендер" тушунчалари ўртасидаги чегаранинг фундаменталлигини ифодаларкан, аёл ва эркак ўртасидаги фарқлар табиатига кўра, биологик бўлмаган сабаблар билан асосланишини таъкидлайди. Яъни, шахснинг жинси биологик (жисмоний ва танадаги фарқлар) жиҳатдан аниқланса, тур (гендер) маданий ва ижтимоий аҳамият (психологик, ижтимоий ва маданий фарқлар)гаэга бўлади. Шундай қилиб, Э.Гидденс икки жинс (аёл ва эркак) ҳамда икки тур (аёллик ва эркаклик)ни ажратиб кўрсатади (Гидденс, 1999, 153-бет).

А.В.Кирилина ва В.Томская гендерни қуйидагича ифодалайди: а) жинснинг ижтимоий-маданий вазифаларини аниқлаб берадиган ва ушбу вазифаларни биологик вазифалардан фарқлайдиган илмий дефиниция; б) ижтимоий конструкт, унинг доирасида ижтимоий тартиб сифатида аёл ва эркак тоифаси ҳақидаги тасаввур жонланади (Кирилина, Томская, 2005).

"Гендер" атамаси билан бирга кенг тарқалган "гендер стереотипи"

атамасини В.В.Красних "аёл ва эркакнинг социумдаги ролларида оид муносабатнинг биологик ва ижтимоий қатори, дея ифодалайди. Бунда у тил шахси онгида дунё манзарасининг типик қисми акс этиши натижаси тарзида намоён бўладиган мавжуд атроф-муҳит фрагменти сифатидаги "стереотип" атамаси трактовқасига таянади (Красних, 2002, 178-бет).

Шу тариқа гендер атамаси "аёл - эркак" ўртасидаги ижтимоий, маданий, психологик қарама-қарши позицияни қиёсий ифодалашда фойдаланиладиган тадқиқ этилаётган тушунчадан турли хил фанлар шуғулланадиган кенг тарқалган атамга айланади. Гендер муаммолари ва гендер ёндашувида бугунги кунда тадқиқот предмети ва шу билан бирга "гендер", "жинс", "гендер стереотиплари" каби терминлар ва релевантли терминологик аппарат мавжуд. Бу ўз навбатида гендер муаммолари ва гендер ёндашувининг алоҳида илмий йўналиш сифатида ажралиб чиқиш тенденциясини кўрсатиб беради.

Тил гендер лексикасини монолингвал тадқиқ этиш кўп нарса беради, ҳам сифат, ҳам миқдор (лингвостатистик) жиҳатидан, аммо бундай тадқиқот тилнинг икки ёки ундан ортиқ тилларнинг маъно, стилистик хусусиятлар, гендер лексикаси вазифалари частотавийлиги нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилишда бўртиб кўринадиган нъоянсларини ҳар доим ҳам илғаб олиш имконини бермайди.

Ҳар бир тилнинг гендер лексикаси бир тил ичида ва худди шундай жаҳоннинг барча тилларида умумий ва специфик хусусиятга эга бўлган лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ)га бўлинади, чунки лексика ва нутқнинг гендер аспекти умумтил ҳодисаси ҳисобланади. Гендер лингвистикасида, худди

фаннинг тил ҳақидаги бошқа соҳаларида бўлгани каби, гендер лексикаси ва гендер атамалари, яъни терминлар тизимини, умуман олганда, фарқлаш лозим. Бу, юқорида айтиб ўтганимиздек, барча гендер тил бирликлари илмий термин бўла олмаслиги билан изоҳланади.

Замонавий рус тилида гендер соҳаси ўз терминологик тизимлашувига А.А.Денисова таҳрири остида гендер терминлари луғати (Гендер терминлари луғати, 2002) дунёга келгач эга бўлди. Бу рус тилининг гендер муаммоларига бағишланган, бугунги кунда ўқиётган ёшлар, шунингдек, ҳам лингвистика, ҳам социология, педагогика, психология, тиббиёт ва бошқа йўналишлар мутахассислари учун гендер муаммоларини ўрганишга асос бўлиб хизмат қиладиган илк терминологик луғатидир.

Мазкур гендер терминлари луғати "...208 та термин, мавжуд ҳолларда унинг синоним вариантлари, дефиниция ёки тушунчанинг ёзма характеристикаси, изоҳ матни, тегишли инглиз тилидаги терминларни ўз ичига олган тўлиқ матнли луғат моддалари"дан иборат (...). шунингдек, мазкур терминлар аҳамиятини у ёки бу шаклда очиб берадиган битта ёки бир нечта тўлиқ матнли моддаларга ҳавола қилинган "бўш" луғатмоддаларининг 170 та терминини ўз ичига олган (Гендер атамалари луғати, 2002, 5-бет). Шундай қилиб, луғатда 378 та луғатмоддаси мавжуд. Луғатнинг кириш қисми мундарижасига мувофиқ, терминларни танлаб олишда уларнинг "маърифий потенциали, тушунчаси даражаси", "умуман, тушунишнинг гендер тушунчаси тизими учун муҳимлик даражаси", "професионал нутқда мустақамланганлиги" каби жиҳатлар инобатга олинган. Айнан шу жиҳатлар луғат тузувчилар учун

терминологик бирликларни танлашга асос бўлиб хизмат қилган. Термин бирликларини танлаш гендер тематикасига оид илмий ва ўқув матнларидан тўғридан-тўғри саралаб олиш ва муаллифларнинг хатларидаги тавсиялар орқали амалга оширилган (Гендер атамалари лугати, 2002, 4-5-бетлар). Муайян тушунча бир неча синоним терминлар билан ифодаланган ҳолларда, устунлик "ортиқча ассоциация" қўзғамайдиган атама томонида бўлади. Масалан, "жинсий белги", "жинснинг белгиси", фемининлик, феминлик, аёллик сингари сўзлардан иборат терминологик синоним қаторидан семантик тадқиқот натижаларига кўра шахс ва жамият онгида "алдамчи биологик контекст" келтириб чиқарувчи "жинсий белги" тиббий-биологик атамаси билан ортиқча ассоциация тугдирмайдиган термин танланади. Шунинг учун ҳам лугат мақолаларида "бошқа термин - "жинснинг белгиси" қўллашга уринилган..." (Гендер атамалари лугати, 2002, 5-6-бетлар). Муҳаррир "Муҳаррирдан" сарлавҳали матнда лугатдан фойдаланувчилар учун яна бир қатор қимматли маълумотларни ҳам беради. Масалан, ушбу лугат икки хил вариантда - босма ва электрон шаклда тайёрланган.

Шундай қилиб, китобнинг кириш қисми ("Муҳаррирдан") Гендер атамалари лугати тузилмаси ва мазмунига оид тўлиқ ифодалар, аниқликлар, тушунтиришлар, баҳсли нуқталарнинг очиқча намойишидан иборат.

Лугат моддалари (хусусан, лугат қисми) 242 бетдан иборат (Гендер атамалари лугати, 2002, 7-248-бетлар).

249-252-бетлар (лугат мақолалари)да лугатда келтирилган инглиз тилидаги гендер атамалари билан таништирилган.

Муайян атама инглиз орфографиясида ёзилган ва унинг русча таржимаси берилган. Лугатнинг бу қисми ўзида гендер терминларининг қисқача икки тилли (русча-инглизча) лугатини акс эттиради. Масалан, empowerment - аёллар имкониятларининг кенгайтиши; Fair Lady - чиройли Аёл; gender studies -гендер тадқиқотлари.

Атамаларнинг лугат моддалари анъанавий лугат шаклида алфавит тартибида (ҳар бир атаманинг бош ҳарфи билан) келтирилган. Шу боис, лугат моддалари ва алфавитнинг ҳар бир ҳарфи бўйича алоҳида моддалар ҳажми турлича. Масалан, "Г" ҳарфига (Гендер атамалари лугати, 2002, 20-82-бетлар) 89 та лугат моддаси, "Я" ҳарфига эса 1 та лугат моддаси (Гендер терминлари лугати, 2002, 248-бет) тўғри келади. Яъни, "Г" билан бошланадиган гендер атамалари сони лугатда энг кўп, "Я" билан бошланадигани эса энг кам. "Г" билан бошланадиган атамаларнинг 89 та лугат моддасидан 67 таси "гендер" сўзи, 22 таси бошқа сўзлар билан бошланади. "Г" билан бошланадиган атамаларнинг 89 та лугат моддасидан 52 таси тўлиқ матнли, 27 таси "бўш" лугат моддасидир.

#### **Масалан:**

1) Эгалитарлик, қаранг: Жинслар тенглиги (Гендер атамалари лугати, 2002, 245-бет);

2) Киборг, қаранг: Жинс сиёсати, Киберфеминизм (Гендер атамалари лугати, 2002, 128-бет).

Тўлиқ матнли лугат моддаларининг ҳажми турлича. Масалан, "гендер" атамаси лугат моддаси ҳажми 5 бет, "эмпатия" атамаси лугат моддаси эса биригина хатбошидан иборат. Тўлиқ матнли лугат моддалари ҳажми билан боғлиқ бундай фарқни, бизнингча, тушунча ва муайян атаманинг тарқалиш даражаси, шаклланиш тарихи, ижтимоий аҳамияти, илмий ишлаб

чиқилишива бошқа жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир лугат моддасидан сўнг, фақат айрим ҳолларгина бундан мустасно, мазкур муаммога оид илмий адабиёт келтирилган. Бу, қоидага қўра, энциклопедик лугатга хос. Шу маънода, ушбу лугат ўзида, хусусан, бир томондан терминологик, иккинчи томондан энциклопедик лугатлар тузиш тамойиллари ва ўлчамларини жамлаган.

Лугатда гендер атамалари тоифасига, бир қарашда гендер терминларига ўхшамайдиган атамалар киритилган. Масалан, фаоллик. Ушбу атамага оид моддадан терминологик сўзларнинг лугат қисми бошланади. Ушбу лугат моддасини бирламчи қабул қилишда мазкур атамада гендер коннотацияси аниқланмайди. Аслида ушбу атама (яъни, фаоллик) ҳақиқатан ҳам гендер лингвистикасига алоқадор ва ўз-ўзидан уни гендеролингвистика атамаси сифатида ҳам кўриш мумкин. Лугат моддасида эса фаоллик термини гендер аспектида келтирилмаган. Лугат моддаси, умуман, фаоллик ҳақида сўз юритади: "...сиёсий партия, таъсир гуруҳи ёки турдош сиёсий ташкилотдаги фаол аъзолик... Тадқиқотлар фаоллар учун умумий бўлган тенденцияларни аниқлаб берди: нисбатан баланд ижтимоий мавқе, катта ижтимоий ишонч ва кўпинча кучли ахборотга эғалик..." (Гендер атамалари лугати, 2002, 7-бет).

"Фаоллик" атамасининг бундай изоҳланиши умумилмий ҳисобланади. Атамани бундай ифодалаш изоҳли, терминологик каби бошқа лугатларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, педагогика, тил ўргатиш методикаси, жисмоний маданият, фалсафага оид терминологик лугатларда, шунингдек, рус тили ва бошқа тилларнинг изоҳли лугатида, икки тилли лугатларда. Агарда, лугат моддаси

муаллифлари ушбу атама мазмунини эркак ва аёлнинг у ёки бу сиёсий партиялар, гуруҳлар, жамоат тадбирларидаги фаоллиги билан тўлдирганларида лугат моддаси гендер мундарижасига эга бўлган бўларди. Шундай қилиб, "фаоллик" атамаси - междисциплинар термин. Шунинг учун ҳам мазкур атаманинг лугат моддаси тайёрланаётганда, унга ҳар бир аниқ илмий йўналишга тегишлилиги нуқтаи назаридан изоҳ берилиши лозим.

Гендер атамалари этимологияси (грек, латин, роман, герман ва ҳоказо) лугат моддаларида келтирилмаган. Шунингдек, атаманинг донор-тилдан олинганлиги, воситачи тил орқали юзга келганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам йўқ.

Ҳажмига нисбатан иккинчи катта лугат моддаси - Амазонкалар (Гендер атамалари лугати, 2002, 7-8-бетлар). Амазонка сўзи кўпликда ифодаланган. Рус тилининг катта изоҳли лугатида бу сўз бирликда келтирилган (Катта изоҳли лугат, 2002, 36-бет). 15 томлик Қазак эдеби тилининг создиги (ҚЭТС, Қозоқ адабий тили лугати)нинг 1-томида бу сўз кўпликда, "амазонкалар" тарзида келган (ҚЭТС, НАШР ЭТИЛГАН ЙИЛИ, 1-том, 483-бет). Хуллас, ушбу сўз-атаманинг тақдироти замонавий лексикографик нашрларда гоҳ бирликда, гоҳ кўпликда ифодаланган. Бизнингча, Гендер атамалари лугатида бу сўз (термин) бирликда ишлатилиши, қавс ичида эса кўпликдаги шакли келтирилиши зарур. Зеро, лингеографик нашрлар учун айнан шу усул меъёр (анъана)га айланган қоида ҳисобланади.

Ушбу лугат моддаси катта ва батафсил: тарих, маданият, манбалар, эксперимент, амазонкаларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ёки бўлмаганлиги ҳақидаги мунозаралар ва ҳоказо. Уларнинг бошқа қабилалар эркаклари билан насли давом эттириш

мақсадидаги ўзаро алоқалари акс этган.

Сониға нисбатан навбатдаги ўринни "феминизм" сўзи билан боғлиқ атамалар эгаллайди (Гендер атамалари лугати, 2002, 219-242-бетлар). Ҳаммаси бўлиб 31 та лугат моддасидан иборат. Шулардан 20 таси тўлиқ матнли, 11 таси бошқа лугат моддаларига ҳавола берилган "бўш" лугат моддалари. Энг ҳажми каттаси "Феминистик антропология" лугат моддасидир. Унинг ҳажми - 2 ярим бет (Гендер атамалари лугати, 2002, 223-225-бетлар).

Ҳажми катта лугат моддалари мундарижаси полиаспект. Уларда тушунчанинг пайдо бўлиш тарихи, унинг гендер лингвистикаси, гендер мунсоабатлари тарихи билан муносабати батафсил ёзилган. Қондага кўра, мазкур тушунча ва тегишли атама аёл тушунчасига, инсониятнинг аёл жинсига, унинг психологияси, яшаш тарзи, ижтимоий мавқеи, қарама-қарши гендер ҳисобланмиш эркак, инсониятнинг эркак жинси билан ўзаро муносабатларига қай даражада боғлиқлигига оид ахборотлар берилган.

Масалан, "Феминизм" лугат моддаси. Унда куйидагилар акс этган:

а) тушунча ва атаманинг келиб чиқиши;

б) ушбу сўзнинг илк бор 1895 йил Элис Росси томонидан қўлланганлиги;

в) феминизм, кўпинча аёлларнинг эркинликка интилиш йўлидаги ҳаракатлари асносида пайдо бўлган жинслар тенглик назарияси сифатида тушунилиши;

г) бу сўзнинг кўпинча кенга маънода - аёллар ҳаракати, яъни аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳаракати маъносида қабул қилиниши;

д) феминизм бошқичлари ҳақидаги ахборот - жинслар (аёллар ва эркаклар)нинг амалдаги тенглиги учун кураш, ...Америкада, Европада;

е) феминизм пайдо бўлишининг

синфий хусусияти ҳақида сўз бориши - Фарбий Европа ва Шимолий Америкада ўрта синф оқ танли аёлнинг кураши;

ё) феминизмнинг маданий асослари ҳақидаги ахборот;

ж) феминизмнинг асосий мақсади - аёлнинг "сукут қобиғи"дан чиқариш эканининг белгилаб берилиши;

з) феминизм йўналишлари - анархофеминизм, консерватив феминизм, гуманистик феминизм, буржуа феминизми, радикал феминизм, "қора" феминизм, экофеминизм, киберфеминизм ва ҳоказолар - белгилаб берилиши;

и) "маданиятнинг патриархал типига дохил бир қатор яширин омилларни танқидий руҳда тушунмаслик" ҳақида сўз бориши;

й) меҳнатнинг бўлиниши (эркаклар ва аёллар меҳнати) билан боғлиқ айрим типлар ҳақида сўз бориши;

Шундай қилиб, биргина лугат моддасида феминизм муаммоси бўйича шу даражада кўп, тарих ва бугунги кун, маданият, сиёсат, социология, шахсий ва жамият мунсоабатлари, психология, география ва яна бошқа кўплаб жиҳатларни қамраб олган ахборотлар берилган.

Лугатда лотинча *femina* - аёл сўзидан ҳосил бўлган атамаларнинг лугат моддаси берилган, аммо термин мавқеида тақдим қилинмаган. Худди шундай ҳолат "аёл" сўзи билан ҳам кузатилади. Бу сўз ҳам лугатда термин мавқеида тақдим қилинмаган. Шунга қарамасдан, "аёл" сўзи иштирокида ҳосил бўлган монотерминлар ва термин бирикмалари (аёлнинг қарши, аёлнинг бандлиги ва ҳоказо)га бағишланган лугат моддалари учрайди. Шулардан 16 та лугат моддаси тўлиқ матнли, 8 таси "бўш". Демак, лугатда учрайдиган, атамалар ва термин бирикмалари ҳосил бўлишига асос бўлган бу тил бирикмалари (*femina* - аёл)га термин

мавқеи берилмаган."Гендер" сўзи эса луғатда термин сифатида тақдим этилган. Шу сўз асосида ҳосил бўлган 67 та атама ва термин бирикмалари гендер атамалари сифатида келтирилган: уларнинг 38 таси тўлиқ матнли, 29 таси "бўш" луғат моддаларидир.

Кўриниб турибдики, муаллифлар термин мавқеини тушунишда ҳар хил фикрга эга. Бизнингча, лотинча femina ва ўзбекчааёл тил бирликларини ҳам гендеротермин мавқеи билан тақдим этиш ва уларга тегишли луғат моддаларини бағишлаш лозим бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Гендер тадқиқотлари антологияси. Таржималар тўплами. /Тузувчилар ва изоҳлар муаллифлари Е.И.Гапова ва А.Р.Усмонова. Минск: Прописи, 2000.
2. Рус тилининг катта изоҳли луғати. РФА. Лингвистик тадқиқотлар институти. Санкт-Петербург, НОРИНТ, 2002, 1536-бет.
3. О.Воронина, Т.Клименкова - Гендер ва маданият // Феминизм ва маданий тадқиқотлар. Тверь, 1999.
4. Б.Ю.Городецкий, В.В.Раскин - Лингвистик нуқтаи назардан атамалар // "Замонавий фанлар тизимида терминологиянинг ўрни" мавзусидаги илмий симпозиум: тезислар, докладлар, маълумотлар. Москва, 1969, 134-141-бетлар.
5. Э.Гидденс - Социология. Москва, 1999, 153-бет.
6. М.Жусупов - Рус ва қозоқ тилларининг товуш тизимлари. Иборалар, интерференция. Талаффузга ўргатиш. Тошкент, Фан, 1991, 241-бет.
7. Л.Р.Зиндер - Умумий фонетика, қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. Москва, Олий мактаб, 1979.
8. А.В.Кирилина, М.Томска - Гендер тадқиқотлари лингвистикаси. Маҳаллий ёзишмалар. Журналнинг 2 (23)-сони, 2005. URL <http://www.strana-oz.ru/2005/2/lingvisticheskie-gendernye-issledovaniya> Last visited 21.01.2017/
9. А.В.Кирилина. Лингвистикада гендер тадқиқотларининг ривожланиши // Филология фанлари, 1998, а №2, 51-58-бетлар.
10. В.В.Красних - Этнопсихоллингвистика ва лингвокультурология: Маърузалар курси. Москва, ИТДГК "Гнозис", 2002.

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

"БОБУРНОМА"НИНГ ЕВРОПА ТИЛЛАРИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Муҳаммадиёва Дилафруз Ахтамовна,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

**For citation:** Muhammadiyeva Dilafruz. THE ANALYSIS OF "BABURNOMA" TRANSLATIONS INTO EUROPEAN LANGUAGES. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 31-38



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-4>

*Келиб тушган сана 23 июль, 2019*  
*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

"Бобурнома" яратилган даврдан бошлаб турли даврларда яшаб, турфа тилларда сўзлашган шарқшунослар диққатини ўзига тортиб келган ва бир неча асрлар давомида китобхонларнинг сеvimли китобига айланиб улгурган.

Бобуршуносликда битта тадқиқотда "Бобурнома"нинг Европа тилларидаги барча таржималари ўзбекча нашр билан қиёсий ўрганилган иш йўқ. Аммо бир қанча илмий ишларда айрим маълумотлар учрайди. Ўзга тилларга қилинган таржималарнинг савиясини аниқлаш, уларни ўзаро қиёслаб ўрганиш орқали илмий қимматини белгилаш ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқаларини ўрганиш нуқтайи-назаридан ҳам муҳимдир. Ушбу мақолада ана шу жиҳатга, "Бобурнома"нинг шарқ халқларида ўрганилиши, уларнинг таржималаридаги ўзига хосликлар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** "Бобурнома", мемуар, таржима, аслият, қўлёзма, нусха, таржимон, шарқшунос.

THE ANALYSIS OF "BABURNOMA" TRANSLATIONS INTO EUROPEAN LANGUAGES

Muhammadiyeva Dilafruz Axtamovna,

Doctoral student (PhD) of Tashkent State University of Uzbek language and literature

ANNOTATION

From the day of its creation, "Boburnoma" has gone through various times, it has always attracted the attention of orientalists from different countries and for several centuries it continues to be a handbook for readers.

There is not any research work in studying of Bobur's oeuvre on comparing translations of "Boburnoma" into European languages with translations into Uzbek. Only in some scientific works certain information may be found.

To determine the literacy of translations into other languages, to establish scientific significance through their comparison is an important aspect for the study of the literary and cultural ties of the Uzbek people with other peoples. Namely these aspects are researched in this article: the study of the "Boburnoma" by European peoples and the specifics in their translations.

**Keywords:** "Boburnoma", memoir, translation, original version, manuscript, copy, translator, orientalist.

## АНАЛИЗ ПЕРЕВОДОВ "БОБУРНОМЫ" НА ЕВРОПЕЙСКИЕ ЯЗЫКИ

**Мухаммадиева Дилафруз Ахтамовна,**

Докторант(PhD) Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы

### АННОТАЦИЯ

Со дня своего создания "Бобурнома" пережил различные времена, всегда притягивал внимание востоковедов из разных стран и вот уже несколько веков продолжает быть настольной книгой читателей

В Бобуроведении нет ни одной исследовательской работы о сравнении переводов "Бобурномы" на европейские языки с переводами на узбекский язык. Только в некоторых научных работах можно встретить определённые сведения. Определить грамотность переводов на другие языки, установить научную значимость посредством их сравнения является важным аспектом и для изучения литературно-культурных связей узбекского народа с другими народами. В данной статье рассмотрены именно эти аспекты т. е. изучение "Бобурномы" европейскими народами и специфики в их переводах.

**Ключевые слова:** "Бобурнома", мемуар, перевод, вариант оригинал, рукопись, копия, переводчик, востоковед.

"Бобурнома" бадий, тарихий, ёднома асар сифатида адабиётшунос, тарихчи ва тилшунослар, яна бир қатор мутахассисларга қимматли маълумот бера олувчи бебаҳо ганжинадир. Асар дастлаб "Вақоий" номи билан аталган бўлиб, кейинчалик "Воқеоти Бобурий", "Тузуки Бобурий", "Воқеаномаи Бобурий", "Таворихи Бобурий", "Бобурия", "Бобурнома" номлари билан машҳур бўлиб келган. "Бобурнома" яратилган даврдан бошлаб турли даврларда яшаб, турфа тилларда сўзлашган шарқшунослар диққатини ўзига тортиб келган ва бир неча асрлар давомида китобхонларнинг сеvimли китобига айланиб улгурган.

"Бобурнома"нинг таржималари ҳақида яхлит, мукамал тадқиқот олиб борилмаган. Аммо бир неча тадқиқот ишларида айрим маълумотлар учрайди. Ўзга тилларга қилинган таржималарнинг савиясини аниқлаш,

уларни ўзаро қиёслаб ўрганиш орқали илмий қимматини белгилаш ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқаларини ўрганиш нуқтайи-назаридан ҳам муҳимдир. Зеро, "Бобурнома" дунё шарқшунослари яқдиллик билан қайд этганларидек, инсоният маданиятига қўшилган катта улш ҳисобланади.

Ғарб олимлари "Бобурнома" билан дастлаб ана шу форсий нусхалар орқали танишадилар ("Бобурнома"нинг илк форсий таржимаси "Шайх Зайнуддин"/ Шайх Зайн томонидан, иккинчи бор 1586 йилда Пояндахон ва Муҳаммадқули Ҳисорий томонидан, учинчи марта 1589 йили Абдурахимхон Байрамхон - Хони Хонон томонидан таржима қилинган). Европа шарқшунослари орасида Витсен биринчи марта "Бобурнома" билан қизиқиб, 1705 йилда асардаги Фарғона водийси географиясига оид тасвирларни



таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Лекин ундан сал олдинроқ, 1697 йили француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли "Шарқ кутубхонаси" қомусидаги "Бобур ёки Бабар" номли мақоласида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Алишер Навоий ҳақида илк бор маълумот берган эди[10:14].

Бироқ Бобурнинг Европадаги чинакам шуҳрати роппа -роса юз йилдан кейин XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқшуносларининг хизмати катта бўлди. Улар асарни таржима қилиб, нашр этиришдан ташқари, уни тадқиқ этиш борасида ҳам катта ишларни амалга оширдилар.

"Бобурнома"нинг инглизча таржималари. "Бобурнома"ни инглиз тилига биринчи марта таржима қилган Жон Лейден (форс тилидан ташқари яна ёски ўзбек тилини ва ҳинд тилини ўзлаштирган билимдон шахс) ва Вильям Эрскин (форс адабиёти бўйича бир қанча тадқиқотлар муаллифи, Британия музейидаги кўпгина қўлёзмаларини тўплаган ва ўрганган атоқли шарқшунос) лар бир-биридан беҳабар ҳолда иш бошлаган эдилар. Ҳар икки таржимон ҳам "Бобурнома" билан Ҳиндистонда танишганлар ва уни ўша ерда таржима қилишга киришганлар.

В.Эрскин Абдурахимхоннинг форсий нусхаси асосида таржимани 1811 йилдан бошлаб, 1817 йилда охирига етказди, бу орада у доктор Ж. Лейден ҳам "Бобурнома"ни инглизчага ўгирганини эшитиб қолади ва бу таржима билан танишишга ошиқади.

Ж.Лейден бевақт вафот этиб, таржима охирига етказилмай қолган. Эрскин Лейден таржимасини кўргач, ўзиникидан катта фарқи борлигини билади. Эрскин таржималарни ва кейинчалик қўлга киритган туркий оригинал нусха билан батафсил солиштириб, иш давомида контекста

мос келмайдиган жойларни тузатиб, пухталаб боради[2:17] ва "Бобурнома" Лейден-Эрскин таржимаси номи билан 1826 йилда Лондонда чоп этилади [6]. Бу нашр 1921 йили Оксфорд университети нашриёти томонидан кўп жилдли қилиб, иккинчи марта чоп этилди.

Таниқли инглиз шарқшуноси Ҳенри Бевериж 1900 йилда Ҳайдоробод шаҳридаги Саларжанг музейида "Бобурнома"нинг ўзбекча нусхасини топади[4:28]. Унинг рафиқаси А.Бевериж хоним 1905 йили "Бобурнома"нинг Ҳайдаробод нусхасини Лондонда факсимиле ҳолида чоп эттиради. (У 1971 йили Лондонда қайта нашр этилди). Мазкур нашр асарнинг яна кенгроқ оммалашувиға сабаб бўлди. "Бобурнома"нинг М.Салье бажарган русча таржимаси ҳамда 1960 йили П.Шамсиев ва С.Мирзаев тайёрлаган ўзбекча наشري ана шу А.Бевериж хоним нашриға асосланган. Қўлёзмани синчиклаб ўрганиб чиққан Бевериж хоним уни таржима қилишға киришади ва ўн йил давомида қисмларға бўлиб-бўлиб чоп эттиради, 1921 йилда эса ушбу таржима яхлит китоб ҳолида нашр этилади. Бу "Бобурнома"нинг иккинчи тўлиқ таржимаси эди.

Лейден-Эрскин таржимасидан А.Бевериж таржимасининг сезиларли фарқи бор. Бунга энг аввало орадаги вақт(салкам бир аср) сабаб эди. Ўтган давр мобайнида Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди, "Бобурнома" ҳақида маълумотлар анча бойиди, Бухоро нусхаси асосида Қозон босмаси юзага келди... Айни мана шу ўзгаришлар, табиийки, янги таржимда ўз аксини топди. Илмий изоҳларнинг мўллиги ва уларнинг ниҳоят даражада маълумотлиги ушбу нашрнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Бевериж таржимаси илмий таржимадир. Таржиманинг Кириш қисмида Бевериж хоним

"Бобурнома"нинг таржима қилиниши, Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди, "Бобурнома" нинг номланиши каби қатор масалаларни тилга олади, айниқса, "Бобурнома"нинг қўлёзма нусхалари ҳақида батафсил маълумот беради. Китоб охирида киши исмлари, жўғрофий номлар, айрим сўзлар имлоси, маъноси ва этимологиясига бағишланган иловалар мавжуд, турли сўз ва атамалар кўрсаткичлари транскрипцияда берилган.

Бевериж таржимаси тўлиқлиги, илмий аниқлиги билан шарқшунослар эътирофига сазавор бўлган, кўп йиллар давомида ундан ишончли манба сифатида фойдаланиб келинди. Атоқли шарқшунос В.В.Бартольд "Бобурнома"-нинг мазкур таржимасига тез-тез мурожаат қилганлиги, баъзи ўринларда ундаги айрим ноаниқликларни кўрсатиб ўтганлиги маълум. Масалан, Фарғона водийсидаги Қубо шаҳрининг номини Бевериж хоним Қабо (Кава) тарзида нотўғри ўқиганлигини, Эски Аҳси шаҳрини йўқолиб кетган деган нотўғри хулоса берганлигини кўрсатиб ўтади. Дарҳақиқат, Бевериж таржимаси ҳам нуқсонлардан холи эмас. Хусусан, транскрипцияда чўзиқ "и", "э" ва дифтонг "ай" товушлари фарқланмаган, чалкаштирилиб юборилган. Масалан, "Эшик ога" AISHIK AGHA, Турди Бек TARDI-BEK тарзида берилган[6].

Америкалик шарқшунос олим У Тэкстон ҳам Бевериж таржимасига танқидий муносабатда бўлади, уни деярли сўзма-сўз таржима қилганликда айблайди. Текстоннинг фикрича, А.Беверижнинг таржимаси талабаларнинг ишига ўхшайди, барча сўзлар худди лугатдагининг ўзгинаси, туркий ва инглизча сўзларни айнан мос келтиришга ҳаракат қилинган[3:22].

"Бобурнома"нинг Лейден-Эрскин таржимаси ва А.Бевериж таржимасини таққослаб ўрганиб чиққан профессор

Н.Отажоновнинг фикрича, инглиз таржимонлари асарнинг ўзига хослиги, бадий хусусиятларини сақлаб қолишга интилганлар. У таржималарнинг тили ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради: Лейден-Эрскин таржимасида услуб атайлаб инглиз ўқувчисига тушунарли қилиб танлангандай, ақсинча, Беверижнинг таржимаси қуруқроқ, илмий тилда битилган"[7].

Қатор камчиликларига қарамай, Бевериж таржимаси даврий узилишлар мобайнида содир бўлган воқеаларни тиклаш учун ҳам хизмат қилади. Бунинг учун таржимон тарих, этнографияга оид 30дан ортиқ, ҳайвон ва ўсимликлар оламига оид 20га яқин, 15дан ортиқ лугат ҳамда бошқа манбаларни қиёслаб чиқади. Бобур Мирзонинг ҳарбий юришларини тиклаш учун 40га яқин ишончли картографик объектларни ўрганиб чиққан. Бу билан Бевериж хоним асарнинг матний, далилий жиҳатдан яхлитлигини тиклашга ҳаракат қилган[5:143].

Бевериж таржимасидан 75 йилдан сўнг 1996 йилда профессор У.Тэкстон қаламига мансуб учинчи тўлиқ таржима чоп этилди. Инглиз тилида иккита тўлиқ таржима бўла туриб америкалик шарқшуносни янги таржимага қўл уришини илмий жасорат дейиш мумкин.

Нашрнинг бошида, "Таржимон сўзбошиси" бўлиб, унда "Бобурнома"нинг матнлари, таржималари, Европада "Бобурнома"га бўлган қизиқиш кабилар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари "Бобурнома"нинг жўғрофияси, Чингизхонийлар ва Темурийлар тарихи тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. "Бобурнома"нинг охирида "Хронология", нотаниш атамалар лугати(гlossарий), батафсил библиография, киши исмлари ва жой номлари кўрсаткичлари берилган. Умаршайх Мирзо ва

Юнусхоннинг шажаралари, бир қатор хариталар, расмлар ва рангли фотосуратлар нашрнинг қимматини анча оширган. Таржиманинг яна бир ниҳоятда муҳим хусусияти -унда кўпдан-кўп, мукаммал ҳамда ўта маълумотли изоҳларнинг берилганидир. Уларнинг сони 700га яқин[3:22].

У.Тэкстоннинг мақсади "аслиятнинг хусусиятларини сақлаган ҳолда ҳозирги замон инглиз тилига таржима қилишдан иборат" бўлган. Таржимон Бевериж хоним каби сўзма-сўз таржима қилиш йўлидан бормади, эркин таржима қилиб, асар руҳига путур етказмасликка ҳаракат қилган ва ўйлаймизки, таржимон ўз мақсадига етган.

"Бобурнома"нинг 1960 йилдаги наشري билан солиштирганда У.Тэкстон таржимаси орқали талай хато, камчиликлар ва ноаниқликларни-айрим сўз ва атамаларнинг имлосидан тортиб, айрим жумлаларнинг таржимасигача -бартираф этиш имконияти мавжудлиги маълум бўлади.

"Бобурнома" Р.М.Калдекот томонидан инглиз тилига қисқартириб таржима қилинди [9]. XX аср охирида Ф.Ж.Талбот ҳам асарни таржима қилиб, суратлар билан нашр эттиради.

"Бобурнома"нинг французча таржималари. Француз илм аҳлига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва "Бобурнома" ҳақида илк маълумот берган француз шарқшуноси Бартоламе д'Эрбало ҳисобланади.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у ҳақида тадқиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1773 йилда шарқшунос А. Де Лонгперье ўзининг "Асарлар" тўпламида "Хатти Бобур ҳақида" мақоласини эълон қилди [10:12]. XIX асрга келиб Европа, хусусан, француз шарқшунослигида Бобур меросини ўрганиш, унинг асарларини таржима қилиш борасида

янги давр бошланди. Бу йилларда "Бобурнома"ни француз тилига таржима қилиш, унинг матн хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тарихий аҳамиятини баҳолашда эътиборга молик ишлар қилинди.

"Бобурнома"ни француз тилига таржима ва тадқиқ қилишга Анри Жюл Клапрот биринчилардан бўлиб киришди. 1824 йил А.Клапротнинг "Султон Бобур ёхуд "Бобурнома" тарихига оид кузатишлар" номли мақоласи босилиб чиқади[2:14]. Марказий Осиё ва Сибирда яшаган халқлар тарихи, маданияти ва адабиётини яхши билган Клапрот Европа шарқшунослигида "Бобурнома" хусусида илк бор тўлақонли фикр юритган эди. Муаллиф "Бобурнома"нинг айрим бобларини француз тилига ўгириб, ўз таржималарини асл нуса билан қиёсий таҳлил қилади ва асар матнининг лисоний жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқаради.

1854 йилда Парижда "Ҳозирги ва қадимда яшаган тарихий шахслар ҳаёти" номли катта китоб эълон қилинади. Мазкур китобдан шарқшунос М.Лангленнинг "Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижоди" мақоласи ҳам ўрин олган эди. Мақолада Бобур ҳақидаги аввалги манбаларга нисбатан анча батафсил маълумот берилган эди.

XIX асрнинг 60-йилларида француз лексикографи Пер Ларуснинг "XIX аср француз қомусий лугати" нинг кўпжилдлиги нашр этилди. Лугатнинг 2-жилдидан ўрин олган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" мақоласи диққатга сазовордир [10:12].

Француз олимлари сўнгги йилларда Бобур тўғрисида тез-тез мақолалар чоп этирар, китоблар нашр қилдирадди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш, "Бобурнома"ни таржима ва лисоний таржима қилишда француз

туркологлари Анри паве де Куртейл (1821-1889)нинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Француз коллежи (Коллеге де Франсе) туркий тиллар кафедраси мудири, француз академияси аъзоси, Санкт-Петербург фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейл ватани Францияда туркология илмининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Профессор А.Паве де Куртейлнинг олимлик фаолиятида у тузган "Шарқий-туркий тиллар лугати" ёхуд "Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиш учун изоҳли лугат" алоҳида аҳамиятга моликдир. Профессор А.Паве де Куртейлдаги бу катта тайёргарлик, эски ўзбек тили ва адабиётидан эгаллаган пухта билим уни "Бобурнома"ни таржима қилишга ундаган эди. 1871-йилда "Бобурнома"нинг Паве де Куртейл таржимаси икки жилда нашрдан чиқди. Биринчи жилда таржимоннинг ўн олти саҳифалик сўзбошиси берилган. Унда "Бобурнома"нинг ёзилиш жараёни, китобда келтирилган воқеалар, Бобуршоҳнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда барпо этган қудратли империяси хусусида маълумотлар берилган.

1888-йил "Осиё журнали"нинг иккинчи жилдида шарқшунос Жюль Дармстете ўзининг "Кобул ёзувчилари. Бобуршоҳ ва бошқа мўғул шахзодаларининг қабр тошларидаги битиклар" номли мақоласини эълон қилганлиги, бобурийлар барпо этган мақбараларда битилган сўзлар маъноси билан танишишга ёрдам беради.

"Бобурнома"нинг А.Ж.Клапрот, А.Лонгпери, М.Лангле, А.Паве де Куртейл, Ф.Гренард, Баре-Граммон каби тадқиқотчи ва таржимонлари Бобур меросининг тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик жиҳатдан тавсиф қилиши

билан Европада бобуршуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

"Бобурнома"нинг немисча таржималари "Бобурнома"ни ўрганишда немис олимлари ҳам ҳисса қўшганлар. 1810 йилда шарқшунос, сайёҳ олим Юлиус фон Клапрот томонидан биринчи марта асардаги Фарғона водийси тасвири немис тилига таржима қилиниб, "Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви" китобида Петербургда чоп этилади. Айтиб ўтиш лозимки, ўтирилган парчанинг ўзи ҳам тўлиқ ва мукамал эмас эди [11:45]. Клапрот таржимаси асл туркий тилдан ўтирилган. Нашр "Сўзбоши"сида муаллиф шундай ёзади: "Бобурнома" ...турк-татар тилида ёзилган асар бўлиб, унда Ҳиндистонда мўғул империясининг асосчиси бўлган Бобур ўзининг юришлари ва кўрган кечирганлари ҳақида маълумот беради. ..Бобур ўғли Мирзо Муҳаммад Комрон Баҳодирга ёзган хатига кўра у бир асарни Ҳиндистондан Қандаҳорга юборган ва унда Фарғона вилоятининг тасвири берилган, ана шундан баъзи қизиқ жойларни олиб сизларга таржима қилиб берайман". Ушбу маълумотдан маълум бўлишича, Клапротнинг қўлида "Бобурнома"нинг қайсидир қўлёзма нусхаси ёки ундан бир парча мавжуд бўлган.

Клапрот таржимаси оригиналга сўзма-сўз мос келмайди, масалан, у "тўққиз тарнов сув қирар" --шаҳарда тўққизта ҳовуз ва водопровод бор; "шаҳарнинг бирор жойидан ҳам чиқиб кетмайди" --ҳаммасининг манбайи бир жойда; "қирғовул"-лочин, бургут; "кузлар эл безгак бўлур"-кўз касалликлари; тарзида нотўғри таржима қилиб, аслиятдан йироқлашган. Таржимада биргина сўзнинг нотўғри берилиши натижасида китобхон бир миллат тўғрисида бошқа бир тасаввурга эга бўлиши мумкин. Масалан,

"қирғовул" сўзининг бургут деб таржима қилиниши натижасида немис китобхонида "ўзбеклар бургут гўштини истеъмол қилишар экан" деган тасаввур шаклланади. Ёки "Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас" бирлиги "қовун сотиш қаттиқ тақиқланади" тарзида миллий минталитетга зид таржима қилинган. Бундан ташқари баъзи географик жой номлари ҳам нотўғри берилган. Айтиш мумкинки, Клапрот таржимасида миллий калорит ҳам, оригиналнинг шираси ҳам йўқолган, оригиналдан ўгирган бўлса-да, тилни мукамал билмаслиганини сезилиб туради [1:45].

Бобурнома асари иккинчи бор 1828 йилда Лейпцигда А.Кайзер томонидан немис тилига ўгирилган [4:28]. Таржимон асарни таржима қилиш мобайнида тўғридан тўғри турк тилидан эмас, балки асарнинг инглизча таржимасидан фойдаланган. Асарнинг инглизча таржимаси икки хил вариантда бўлиб, биринчиси эски ўзбек тилидан Ж.Лейден ва иккинчиси форс тилидан У.Эрскин томонидан таржима қилинган. Ушбу икки таржимани умумлаштириб Кайзер эски ўзбек тили, форс, инглиз ва немис тиллари семантикасини ўрганиб чиқиб, асарни немис тилига муваффақиятли тарзда таржима қилган [1:170]. Ушбу нашр аслиятга бирмунча яқин, таржима талабларига кўпроқ жавоб беради.

"Бобурнома"нинг русча таржимаси. Бобур ижодининг бебаҳо маҳсули бўлган "Бобурнома" шўролар даврида икки марта рус, икки марта ўзбек тилида тўлиқ нашр этилди. Бу нашрларга ёзилган сўзбоши муаллифлари "Бобурнома"нинг тарих ва бошқа фанлар учун улкан аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, асарнинг ўзбек бадиий адабиётидаги ноёб ёдгорлик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтишган.

Рус олимларининг "Бобурнома"ни

ўрганиши дастлабки даврда, асосан, қўлёзмалар кўчириш, чоп этиш билан чекланган. "Бобурнома"ни таржима қилиш масаласи узоқ вақтгача эътибордан четда қолган.

Араб тилининг йирик билимдони бўлган Георг-Якоб Керр ўзининг эски ўзбек тилидан билимини такомиллаштириш учун "Бобурнома" қўлёзмасидан нусха кўчира бошлаган ва 1737 йилда ишини тамомлаган. Бу қўлёзма 420 варақдан иборат бўлиб, тарихда "Керр нусхаси" ном билан қолган.

Нихоят, XIX асрнинг охирларига келиб, руслар асар таржимасига ҳам киришганлар, лекин айрим айрим парчаларнигина ўгирганлар. Жумладан, Н.И.Пантусов "Фарғона" қисмини, В.Вяткин "Самарқанд ва унинг теварак-атрофлари" ва С.Поляков ҳам асардан бир таржима қилган.

"Бобурнома"нинг мавжуд тўлиқ матни 1857 йили турколог олим Н.И.Ильминский томонидан Қозондаги типографияда сўзбоши билан босилган.

"Бобурнома" русчага тўлалигича биринчи марта моҳир таржимон ва олим М. Салье томонидан бажарилди ва асар 1958 йили Тошкентда босмадан чиқарилди [4:28]. М.Салье таржима устида 10 йилдан ортиқроқ меҳнат қилди, асар тилини чуқур ўрганди, беҳад кўп сонли атамалар, ибора ва номлар транскрипциясини бериш, шунингдек, Бобур қаламининг "мардона услубини" сақлашга муваффақ бўлди. Рус тилида "Бобурнома"ни ўқиган киши аслиятни ўқигандай тўғри ва мукамал тасаввурга эга бўлади. Шунга қарамай, М.Салье таржимасида бир талай ноаниқликлар мавжуд. "Бобурнома"даги бир қанча номлар нотўғри берилган. Чунончи, Аҳмад Мирзо севгилиси Қутлукбегим "Катак бегим" бўлиб кетган, "буқаламун",

"муча" каби баъзи сўз ва иборалар таржимасиз ва изоҳсиз келтирилгани сабабли рус китобхонига тушунарсиз бўлиб қолган[4:28]. Шеърлий парчалар насрий таржимада берилиб, уларнинг қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилмаган. М.Салье асарнинг Ҳайдаробод нусхасидан фойдаланганини қайд этган. Бироқ унинг қайта-қайта кирилчадаги ўзбекча "Бобурнома"га мурожаат этгани билиниб қолаверади. Масалан, Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар нашрга тайёрлаган "Бобурнома"даги минг ўйлуқ карвон воқеаси (мингта қорамол олиб келаётган карвон) русчасига - М.А.Салье таржимасида "караван из тысячи людей[8:382]" тарзида хато таржима қилинган. Ш парчадаги яна бир нуқсон М.Сальенинг Ҳайдаробод нусхасидан эмас, Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар нашрга тайёрлаган "Бобурнома"дан фойдаланганини кўрсатади. "Эҳтиёт" сўзи ушбу ўзбекча нашрда хато - "эҳтиёж" тарзида ўқилган. Русча талқинда ҳам эҳтиёж тарзида таржима қилинган, аммо "Бобурнома"нинг эски ёзувдаги барча нусхаларида, жумладан, Ҳайдаробод нусхасида ҳам бу сўз "эҳтиёт" эди...

Биргина шу нуқсон туфайли Фаргона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх Мирзо савдогарлар молига муҳтож нотавон тарзида талқин қилинган.

"Бобурнома"нинг рус тилига

қилинган таржималари тадрижий жараён сифатида шаклланиб, сўнгги йилларда қилинган талқиқотлар ва Ўзбекистонда асарни ўқиб-ўрганишга эътибор ортиб, қизиқарли рисоалар, китоблар чоп этирилди, олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан "Бобурнома"нинг 2008 йилда З.Машрабов бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек олимлари: О.Юнусов, С.Ҳасанов, А.Қаюмовлар томонидан навбатдаги рус тилидаги таржимаси амалга оширилди[10:16].

Ўзбек насрининг бетақроп гўзал намунаси бўлган "Бобурнома" кўплаб соҳаларга доир билимларни қамраб олади. Унда муаллиф ўз кўзи билан кўрган, эшитган реал воқеа ва ҳодисаларни ишончли манбаларга асосланган ҳолда келтирган. Шунинг учун ҳам дунё туркологлари қайта ва қайта бу асарга мурожаат қилаверадилар. Асар ўз характери билан нафақат туркий тилдаги тарихнавислик- мемуарчиликда фавқуллодда янги ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий обида сифатида ардоқланган. Шу сабабли у XVI асрдаёқ бир неча марта форс тилига, кейинчалик Европа тилларига бир неча марта таржима қилинди, нашр этилди, батафсил ўрганилди. Асар бугунга қадар дунёнинг 31 тилига таржима қилинганлиги ҳам бу асарнинг қимматини кўрсатади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. - Т., 2014.
2. Иброҳимов А.П. "Бобурнома" - буюк асар. ?Т., 2000.
3. Иброҳимов А. "Бобурнома"даги ҳиндча сўзлар талқиқи. Филол.фан.ном. ...дисс. -Т., 2011.
4. Комлов Н. . "Бобурнома" таржималари. "Гулистон" //1977-йил. 3-сон.
5. Отажонов Н. Мукамал нашр йўлида//Шарқ юлдузи, 1990, 10-сон.
6. Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. док. ...дисс. - Тошкент, 1994;
7. Отажонов Н. "Бобурнома" жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типологик таҳлил. - Тошкент, 1998;
8. Саломов Ғ., Отажонов Н. "Жаҳонгашта "Бобурнома".-Т.: 1996.
9. Собиров М. "Бобурнома"нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Филол.фан.ном. ...дис. ?Т., 2002.
10. Тешабоева З. "Бобурнома"даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили. -Т., 2018.
11. Хўжаев Ғ. "Бобурнома"нинг немисча икки таржимаси //Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 6-сон.

---

**СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**МУНАҚҚИД УСЛУБИ ВА ЖАНРИЙ РАНГ-БАРАНГЛИК**

**Насима Саидбурхоновна Қодирова**

Бухоро давлат университети

Ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

[nasimasaidzoda@mail.ru](mailto:nasimasaidzoda@mail.ru)

**For citation:** Nasima Saidburxonovna Kodirova. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 1, pp. 39-49



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-5>

*Келиб тушган сана 22 июнь, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Адабиётшуносликда услуб ҳақида фикр юритганда кўпинча ёзувчи услуби назарда тутилди ва кўпчилик тадқиқотларда ёзувчининг индивидуаллиги, услуби ўрганилади. Аммо адабиётшунос олим ёки танқидчининг услуби муаммоси кам тадқиқ этилган масалалардан биридир. Адабиётшунос услубини белгиловчи бир қанча омиллар бўлиб, бу мунаққид мақолаларининг жанри, тили, таҳлил методлари, муаммонинг кўйилиши ва ечилишидаги ўзига хосликни билдиради. Иброҳим Ҳаққулов адабиётшуносликда ўз ўрнига ва ўзига хос услубга эга бўлган мунаққидлардан бири. Мақолада мунаққиднинг обзор-мақола, портрет-мақола ва эсселари таҳлил этилган, бу каби жанрлар тараққиётига қўшган ҳиссаси, бошқа адабиётшуносларга ўхшамаган ўзига хос услуби ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотда таҳлил, таққослаш ва биографик методлардан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** адабиётшунослик, мунаққид услуби, обзор-мақола, портрет-мақола, эссе.

---

**КРИТИЧЕСКИЙ СТИЛЬ И ЖАНРОВОЕ РАЗНООБРАЗИЕ**

**Насима Саидбурхоновна Қодирова**

Бухарский государственный университет

Докторант кафедры узбекской литературы

[nasimasaidzoda@mail.ru](mailto:nasimasaidzoda@mail.ru)

В литературе стиль во многом изображается в стиле писателя, и в исследованиях показывает особенность и стиль писателя. Но научный писатель или стиль критика является мало изучаемой проблемой. Существует некоторые стороны, определяющие стиль писателя, такие как критический жанр статьи, язык, методы анализа, определение проблемы и их решения. Иброҳим Ҳаққулов является критиком, который имеет свое определенное место в литературе. В статье критик показывает анализа обзор статьи, статья-портрет и эссе, такие жанры имеет сво развитие в литературе, и определяет свойственность данному критику. В исследование используется анализ, сравнение и биографический метод.

**Ключевые слова:** литература, критический стиль, обзор-статья, портрет-статья, эссе.

## CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY

**Nasima Saidburxonovna Kodirova**

Bukhara State University

Doctoral student of the department of Uzbek literature

[nasimasaidzoda@mail.ru](mailto:nasimasaidzoda@mail.ru)

### ANNOTATION

Literature involves writer's style and there are many studies which suggest author's personality and style. On the other hand, the problem of the style methodology of literary critic is one of the problems that are rarely studied. There are several points which determine the methodology of literary critic which is the genre of critical articles, language, the method of analysis, the problem solving and its solution.

Ibrahim Hakkulov is one of the critics of literary criticism who has his own point of view and style. The article analyzes review-article, portray-article and essay. The study used analysis, comparison and biographical techniques.

**Key words:** literature, critic style, review-article, portray-article, essay

**Кирини:** Ижодкор услуби санъаткорнинг ҳаётни, ҳаёт моҳияти, унинг қаъридаги ҳақиқатни акс эттириши билан боғлиқ бўлса, адабиётшунос услуби бадиий матнни тушуниш, уни тадқиқ ва таҳлил этишдаги индивидуаллик, ўзига хосликни билдиради. Шундай экан, адабиётшунос услубини белгилловчи бир қанча омиллар мавжудлиги кўринади.

Услуб, аввало, олимнинг, табиатидан, бадиий асарни тушуниши ва таҳлил қила олиш даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шунинг учун услуб ҳар бир адабиётшунос, танқидчининг индивидуаллигини, маҳоратини белгилловчи энг муҳим омилдир. Мунаққид ёки адабиётшунос олим услуби унинг мақола ёки тадқиқотининг тили, жанри, композицияси, воқелик ва бадиий асарлардаги "сир"ларнинг аниқланиши, таҳлил методларидан фойдаланиши, пафоси, ҳаёт билан алоқадорлиги, бадиий диди, асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидаги[4,26] ўзига хосликдан келиб чиқади. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов "Хусусий услубга эга бўлиш - бу хусусий бир шахсиятга эга

бўлиш" деб таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, услубни шахсият деб қабул қилган И.Ҳаққул мақолалари ва тадқиқотларини ўрганганда унинг бошқа адабиётшуносларга ўхшамаган индивидуал услуби кўзга яққол ташланади.

И.Ҳаққулов ижоди нафақат мавзулар доирасининг кўламдорлиги, балки жанрий таркибининг ранг-баранглиги билан ҳам ўзига хос. Унинг ижодида адабий танқиднинг турли жанрларидаги тадқиқотлар учрайди. Айниқса, олим ижодида обзор мақола, баҳс-мақола, тадқиқот-мақола, адабий портрет, эссе, адабий суҳбат каби жанрлар етакчи ўринни эгаллайди.

Натижалар ва мунозара: "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати"да обзор сўзига шундай таъриф берилади: "Адабиётшуносликда у ёки бу халқ, давр ҳақида ёхуд бирор ёзувчи ижоди юзасидан умумий маълумот берувчи материал"[9,218]. Атама сифатида эса "санъат ва адабиёт соҳасида бирор воқеа ёки ҳодиса таҳлилидан иборат кичик мақола" деб эътироф этилади[3,46]. Обзор мақолада маълум бир даврдаги асарлар ёки бир йўналишга мансуб ижодкорлар асарлари умумлаштирилган



ҳолда тадқиқ этилади. Бу жанрда объект бўлган шоир, ёзувчи ижоди (шеър, роман, ҳикоя ва.х.к.) даврнинг етакчи тамойиллари асосида ўрганилиб, чуқур илмий таҳлиллар асосида умумлашма хулосалар келтириб чиқарилиши муҳим ўрин тутаети. И.Ҳаққулов обзор мақолаларининг аксарияти замонавий ўзбек шеърятита тадқиқига бағишланган бўлиб, уларда чуқур таҳлил, мантикий изчиллик, ҳақиқатни очик-ойдин кўрсатиш, умумлаштириш каби фазилатлар кўзга ташланади.

Мунаққиднинг "Сўз ҳаёт бахш этсин"[8.178] мақоласи илмий-назарий обзор мақола ҳисобланиб, унда ХХ аср ўзбек шеърятита назар ташланиб давр ижодкорларининг услуби, маҳорати таҳлил этилган. Ҳамид Олимжон, Зулфия шеърларида "тил руҳининг" ҳассослик билан идрок этилиши олим диққатини ўзига тортган бўлса, Шукрулло ижодидаги "эҳтирослантириш" мунаққид эътирофига сазовор бўлади. Э.Воҳидов, А.Орипов шеърларида ҳам сўзларнинг тўғри танланиши ва бир қатор ёш шоирлар У.Азим, Х.Даврон, Ш.Раҳмон, Т.Жўра, Йўлдош Эшбекларнинг ижодида сўзларнинг тўғри ва ўринли қўлланилишидан мамнун бўлган мунаққид адабиётимизда сўзга муносабатнинг барча шоирлар ижодида бир хил эмаслиги, сўз танлашда юзакилик, уларни нотўғри танлаш кабилар ҳам айрим шоирлар ижодида мавжудлигини теран таҳлиллар асосида ёритиб беради.

Масалан, Рамз Бобожоннинг рубойлари таҳлил этилиб, рубойдаги сўзлар нима сабабдан бир-бирига мос келмаслиги асосли таҳлиллар билан исботлаб берилган. Бундан ташқари, Ҳусниддин Шарипов, Н.Нарзуллаев, Сайёр каби шоирларнинг сўз қўллашдаги эътиборсизликлари, сўзларнинг рангсиз, маъноси суи

эканлигидан мунаққид сўз қадрига ачинади. Масалан, "Сайёр шеърларидаги "Сен пиёз артганда, Мен кўз ёш бўлдим", "Тоғда ер қазиди, Обод қилди тоғни тупроқдан", "Тиклаб қўйди жимжима шийпон, Шипда жимир-жимир қилар сув"...сингари қатор-қатор сартларда сўзлар маъно-мазмунидан маҳрул этилган. Ахир, "обод қилди тоғни тупроқдан" дейиш мумкинми?"[8,186] деган ўринли савол қўйилади.

Мунаққид услубига хос жиҳатлардан бири китобхонга савол билан мурожаат этиш, сўнг унга жавоб бериш, бироқ бу ўринда мунаққид саволга атайин жавоб бермайди. Чунки ҳеч қандай изоҳсиз ҳам тоғнинг тупроқдан обод қилиб бўлмаслиги барчага аён. Мунаққиднинг эътирозига сабаб бўлган ҳолат ҳам, аслида, оддий сўзларни тўғри қўлламаслик, уларнинг маъносига эътибор бермай, сўзбозлик қилиш, сўзларнинг ўз маъносидан маҳрум этилиши.

Мақолада И.Ҳаққуловнинг сўз маъносини чуқур мушоҳада этадиган нуқтадон олимлиги, ўзбек шеърятининг келажаги учун қайгураётганлиги яққол акс этган. У "Ҳақиқий шеър - ўқувчининг юрагида яшайдиган сўз"[8, 187] деб таъкидлайди ва китобхон қалбига кириб бормайдиган, сўз қадрини билмайдиган шоирлар ижодини аёвсиз танқид қилади. Дадиллик ва жасорат билан шеърдаги маъно номуаносибликларини очиб ташлайди. Мақолада илмий-назарий обзор мақолага хос барча хусусиятлар мужассам:

1. Таҳлил этилган асарларга даврнинг етакчи тамойиллари асосида ёндашилган, ўрганилаётган адабий ҳодисага дахлдор (ХХ аср ўзбек шеърятининг охириги даврлари) адабий далиллар изчил амалий-эстетик мантиқ асосида таҳлил қилинган.

2. Обзор мақолада таҳлил этилган шеърларга бадиият мезонларига мувофиқ баҳо берилган.

3. Таҳлиллар асосида назарий хулосалар умумлаштирилган.

И.Ҳаққуловнинг ушбу мақоласи 1983 йилда ёзилган. Унинг замон шеърияти ҳақидаги фикрлари нечоғлик ўринли эканли бугун ўз тасдиғини топмоқда. Олим эътироф этган шиорлар ижодини бугун ҳам халқимиз севиб ўқимоқда, мунаққид эътирозига сабаб бўлган шоирлар номини эса бугун ҳеч ким деярли танимайди, тилга олмайди. Кўринадики, обзор мақолада кўратилган илмий-назарий муаммолар ўз ечимини топа олган.

Иброҳим Ҳаққул ижодида портрет-мақолалар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Портрет-мақола маълум бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарлари ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар берувчи, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди тор қамровда ўрганиладиган адабий танқид жанри [3,51]. Ушбу жанр ўзбек адабиётшунослигида уч тараққийёт босқичини босиб ўтган.

1-мумтоз адабиёт даври: бу даврда портрет-мақола жанр сифатида тўла шаклланмаган бўлса-да, маноқиб, ҳолот ва таъкирлар таркибида унга хос хусусиятлар кўзга ташланади.

2- XIX аср охирилари ва XX аср бошларида матбуотнинг пайдо бўлиши бу жанр тараққийётини янги босқичга олиб чиқди. Бу даврда портрет-мақола асосан икки хил йўл ва мақсад билан яратилган: а) қисқа бўлса-да, ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот кам бўлган ёзувчи ёки шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳар томонлама маълумот бериш; б) ижодкор портретига оид чизгилар яратилиб, кейинчалик адабий портрет яратишга замин ҳозирлаш [3,51].

3-XX асрнинг 20-йилларидан кейинги босқич. Мазкур даврдан бошлаб портрет-мақолалар янгича йўсинда яратила ва ривожлана бошлади. Энди улар, асосан, бирор ижодкор ёки адибнинг юбилеи, вафоти муносабати билан, шунингдек, бирор китоби нашри муносабати билан сўзбоши тарзида, портрет-хотира кўринишларида ёзила бошланди [3,56].

Портрет-мақола шакл ва мазмунига кўра портрет-хотира, портрет-мақтуб каби бир нечта турларга бўлинади. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул ижодини кузатар эканмиз, портрет-мақоланинг шакл ва мазмун жиҳатдан турли кўринишларига дуч келамиз. Улар орасида юбилей муносабати билан ёзилган портрет-хотиралар етакчилик қилади. Айниқса, олимнинг "Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеи", "Маърифат дарғаси", "Толмас тадқиқотчи ва нуктадон олим" каби портрет-мақолалари ўзининг салмоқли мазмуни ва ифода усулининг ўзига хослиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

"Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеи" портрет-хотира бўлиб, унда олим ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар жонли хотиралар асосида образли ва таъсирли баён этилган. Мунаққид мақолани ўзига хос тугун билан бошлайди: "Кўҳна тарихнинг деярли ҳамма даврларида, хоссатан, совет давлати ҳукм юритган замонларда илм ва ижод йўли билан юқори бир мавқе, баландроқ мартабага эришиш ёки катта унвон, олий мукофотларга даъвогарлик қилмоқ учун бирор гуруҳами, тўдагами, албатта, мансуб бўлиш, хушомад, ялтоқлик, риё ва мадҳиягўйликнинг ёзилмаган қонун-қоидаларига моҳирлик билан амал қилиш шарт ҳисобланган" [7,214]. Олим

кулфат ва тубанлик деб баҳолаган бундай ҳолат бевосита китобхонни сергаклантиради, гап нимадалигига қизиқтириб, олим ҳаёти ва ижоди билан бу жумланинг қандай алоқаси борлигини тезроқ билишга ундайди. Шунингдек, Абдуқодир Ҳайитметов ижод этган даврда адабиёт турли сиёсий таъсирлар исканжасида бўлганлигига ишора этади. Мақоланинг кириш қисмида А.Ҳайитметовнинг заҳматкаш олимлиги, зукколик ва фидойилик тимсолига айланганлигининг таъкидланиши бежизга эмас, мунаққид ўқувчида олимга нисбатан симпатия уйғотишни ва унинг таржимаи ҳолига қизиқтиришни кўзлаган.

Танқидчи А.Ҳайитметовнинг олимлик қиёфасини унинг илмий фаолияти, асарлари ҳақидаги маълумотлар орқали, инсонийлик фазилатларини эса у билан боғлиқ хотиралар асосида очиб беради. Айниқса, И.Ҳаққуловнинг диссертация ҳимояси билан боғлиқ хотира, унда Абдуқодир Ҳайитметовнинг иштироки воқеасида олимнинг ички олами, тўғрилиги ва ҳалоллиги аниқ акс этган. Шунингдек, мақолада А.Ҳайитметовнинг илмий тажрибаси, олимлиги баробарида донишмандлиги билан боғлиқ хотиралар ҳам келтирилганки, улар орқали олим қиёфаси ва унга мунаққиднинг муносабати ҳам янада яққол намоён бўлган.

Мақола олимнинг навоийшунос-ликдаги хизматлари алоҳида эътироф этилганлиги, унинг ўзбек адабиётшунослигида тутган ўрнига аниқ далиллар асосида баҳо берилиши, олим таржимаи ҳолининг қисқа бўлса-да изчил ёритилиши, олим шахсияти ва ижодидаги етакчи, ўзига хос фазилатларнинг очиб берилганлиги, унинг олим ва инсон сифатидаги ёрқин

қиёфаси яратилганлиги ҳамда умумлаштирувчи хулосалар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

И.Ҳаққуловнинг етук адабиётшунос олим Наим Каримовга бағишланган "Толмас тадқиқотчи ва нуктадон олим" сарлавҳали портрет-мақоласида олимнинг маънавий қиёфаси ва ижодидаги етакчи хусусиятларга асосий эътибор қаратилган. Мақола юбилей муносабати билан ёзилган бўлиб, мунаққид олимнинг таржимаи ҳолидан кўра олимлик фаолияти, ички дунёсини ёритишни мақсад қилган. Олим фаолияти у ижод қилган даврнинг мураккаб манзаралари контекстида ёритилган. ҳар қандай вазиятларда ҳам олим бошқа сафдошларидан фарқли равишда сиёсий мослаштиришга берилмагани алоҳида қайд этилган. Шунингдек, Н.Каримовнинг услубига хос жиҳатлар, таҳлил ва талқиндаги янгиликлари хусусида сўз юритилган. Жумладан, ойбекшуносликдаги фаолиятига тўхталар экан, унинг бошқа ойбекшунослардан фарқини алоҳида таъкидлайди: "Олим кўп ўринларда Ойбек шахсидан ижодиётининг турли ҳақиқат ва моҳият манзараларини акс эттирадиган кўзгу сифатида фойдаланади"[7,235] дея таҳлилда биографик методни самарали қўллашда Н.Каримовга тенглаша оладиган олимларнинг озлигини таъкидласа, Шайхзода ижоди тадқиқида "адибнинг зоҳирий мавжудликларга эътиборни қаратиб, ботиний ҳақиқат ва ҳолатларни очишдаги моҳирлиги"[7,242], Чўлпон, Миртемир ҳақидаги эсселаридаги "таассуротни завқ заминидан жонлангириш, кечинма, тахайюл кучи билан образли ифода, рангин илмий манзаралар яратиш" каби ўзига хос жиҳатларни ҳам теран мушоҳада этади. Мунаққид Наим

Каримов ижоди, унинг ўзига хос жиҳатларини очиш баробарида чин олимлик, илмга садоқат, маърифат ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадаларни китобхонга тақдим этади. Олим ифода усулининг эркинлиги ҳам диққатга сазовор, портрет яратишда, унга таъриф беришда, асарлари таҳлилида фикрларни ойдинлаштириш учун шеърини матнлардан ҳам фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, И.Ҳаққул портрет яратишда у қайси ижодкорга бағишланмасин, далилларни қуруқ қайд этмайди, образли ифодалар, жонли хотиралар орқали содда услубда баён қилади. Шунингдек, барча портрет-мақолаларида қаҳрамони характери, ички оламини мунаққид ўз кўзи билан кўрган, иштирок этган ё бевосита ўзи билан боғлиқ бўлган ҳаётини лавҳалар асосида очиб берадики, бу китобхоннинг танқидчи фикрларига ишончини янада орттиради. Мунаққид ким ҳақида ёзмасин, унинг адабиётдаги ўрни, ўзига хос услуби, шахсиятига доир энг муҳим, ҳар бир инсонга ўрнак бўладиган жиҳатларга асосий эътиборини қаратади ва портрети яратилаётган ижодкор ҳақида янги, қизиқарли воқеий маълумотларни ўқувчига раво услубда ҳавола этади.

Адабий танқидда кенг қўламчилиги, илмийлик ва бадиийликнинг омухталиги, муаллиф "мен"ининг, образли тафаккурнинг етакчилиги билан эссе жанри кўпчиликнинг диққатига сазовор. Бу жанрнинг мунаққид эркин фикр юритиши, турли қолипларга бўйсунмаслик, тахайюлга эрк бериш каби қатор хусусиятлари борки, мунаққидлар тез-тез бу жанрга мурожаат этадилар.

Эсселар фалсафий, публицистик, адабий-танқидий, тарихий-биографик,

соф беллетеристик характерда бўлиши мумкин. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ҳодисаларига оид ижтимоий-руҳий кузатишлар мағзини чақишга йўналтирилган бўлади. Адабий-танқидий йўналишдаги эсселарда эса ижодкор ҳаёти, руҳияти, асарлари билан алоқадор жараёнлар ёритилади[5,375].

Ўзбек адабий танқидида ҳам эссе жанрининг жуда кўп-лаб намуналари, хилма-хил турларини кўриш мумкин. Хусусан, Наим Каримов, Ш.Холмирозев, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуровларнинг эсселари кўпчиликка таниш ва адабиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Эсседа шахсий мулоҳаза муаллиф бадиий ҳофизасининг қуввати, савия саҳияси ва доираси, ҳаётини тажрибаси, ҳикматгўйлик маҳорати, тафаккур қобилияти[3,147] аниқ акс этади. Шу сабаб адабиётимизда бу жанр намуналари жуда кўп бўлса-да, улар асло бир-бирини такрорламайди.

Адабиётшунос олим, мунаққид И.Ҳаққул ижодида ҳам эссе жанрининг бир неча намуналари бўлиб, уларнинг аксарияти адабий-танқидий эсселар сирасига кириди. Ўзбек адабиёти вакилларига бағишланган "Аҳмад калла", "Абдулла Қаҳҳор жасорати", "Илм шукуҳи", жаҳон адабиёти классикарига бағишланган "Буюк қалб муҳаббати", "Ҳаёт санъаткори" каби эсселари мунаққид қалби акс этган ижод намуналаридир.

Мунаққиднинг "Аҳмад калла" деб номланган, Аҳмад Донишга бағишланган эссеси кенг қамровли бўлиб, унда улуг ижодкорнинг фахрли ва машаққатли умр йўли турли манбаларга асосланган ҳолда образли ёритиб берилган. Мунаққид китобхон кўз ўнгига нафақат А.Дониш

қиёфасини, балки у яшаган даврнинг мураккаб ва таҳликали манзарасини ҳам жонли гавдалантира олган. Мақола аввалида И.Ҳаққул А.Донишнинг адабиётдаги ўрни, унинг характери, тўғрилиги ҳақида қисқагина умумий тушунча беради. Ва у ҳақида айтилган ҳар бир фикр эссенинг кейинги қисмларида А.Дониш ҳаёт йўли контекстида бирма-бир ўқувчига очиб, кучли эҳтирос билан тасвирлаб берилади. Эсседа мунаққиднинг Аҳмад Донишга муҳаббати яққол акс этган ва эссени ўқиш жараёнида бу муҳаббат китобхонга ҳам юқтирилади.

Эссе Аҳмад Донишга бағишланган, яъни бош қаҳрамон у бўлса-да, эссе қисмларини боғловчи, ҳаракатга келтирувчи етакчи қаҳрамон И.Ҳаққулнинг ўзидир. Мунаққид Дониш билан танишган йилларини эслар экан, хотираларини жонлантириб, талабалик йиллари, Бухоро сафарлари, устозлари, болалиги ўтган Шифиркон тумани, одамларини ёдга олади. Бу воқеалар мантиқий изчиллик ва юксак бадиийлик воситасида Аҳмад Дониш билан боғлиқ масалаларга улаиб кетадики ўқувчи эссени ўқиш жараёнида асло зерикмайди. Гўзал ташбеҳлар, халқона баён китобхонни ўзига жалб этади. Масалан мунаққид поездда кетар экан, қалб тўлқинларини шундай тасвирлайди: "Шиддат-ла чопаетган поездда кетиш хотира оглиг тупорга миниб ёшликка саёҳат қилишга ҳам ўхшайди. Қизиғи шундаки, қачонлардир бўлиб ўтган ва кўпдан буён эсланмаган воқеа-ҳодисалар дафъатан жонланиб, гўё қаршингиздан чиқиб келаверади: бири қувонтиради, бири ўйлатади, яна бири... Соғинч қўмсашга, қўмсаш армонга йўл берганда эса барибир хўрсиниблар кетасиз..."[6, 208].

Аҳмад донишнинг оиласи, унинг

қандай қилиб Бухорога келиб қолгани, таълим-тарбияси, меҳнат фаолияти, асарларига доир маълумотлар Донишнинг ўз асарлари, Садриддин Айний, Садри Зиёларнинг маълумотлари асосида бадиий қайта жонлантирилган. Мунаққид Аҳмад Донишнинг ички ва ташқи қиёфасини яратар экан, манбаларда қайд этилган маълумотларни синчиклаб ўргангани сезилиб туради. Дониш ҳусниҳати чиройли бўлгани сабаб котиблик қилгани, котиблик жараёнида Бедилга ошно бўлиши, унинг асарлари таъсирида характерининг шаклланиб боришини жуда ишонарли тасвирлайди. Шунингдек, Дониш ҳаёт концепциясини бутунлай ўзгартириб юборган, бир қариндошининг вафот этиши билан боғлиқ воқеани келтиради, бу воқеа китобхон руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмайди. "...у биринчи марта одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Шу кундан эътиборан у бақосиз нарсалар, жумладан бойлик тўплаш, ҳузур-ҳаловатда яшаш майлини дилидан чиқариб ташлайди."[6,213]. Айтиш мумкинки, мунаққид турли илмий фактлар ва ҳаётий воқеаларни бадиий қайта ишлаб, А.Дониш ҳаётининг жонли тарихини ярата олган. Бу жиҳатдан олим эсселарида Наим Каримов эсселарига хос хусусият намоён бўлади.

Эркин фикр-мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши, қурилиши ва қаҳрамонга эга ички конструкциялар асосида таркиб топиш - эссега хос етакчи фазилатлардан биридир[5,375]. "Аҳмад калла"да бу хусусиятни ҳам кузатиш мумкин. Эссе таркибида бир нечта мустақил сюжет йўналиши мавжуд ва улар ўзларининг қаҳрамонларига эга бўлиб ўз навбатида

А.Дониш ҳаёти билан боғланиб кетади. Хусусан, шоир Воқиф ва С.Айний билан боғлиқ сюжет йўналишлари ўқувчида катта таассурот уйғотади.

Мунаққиднинг ушбу эссесида Аҳмад Донишнинг нафақат адабиёт борасидаги фаолияти, балки бошқа янги қирралари ҳам очиб берилган. Жумладан, эсседа А.Дониш қиёфаси куйидагича намоён бўлади:

- ўткир зехн ва қобилиятли котиб,
- халқ учун қайтурадиган адолатпарвар ва зукко сиёсатчи,
- тўғрилиқни ўзига шиор қилган халқ ҳимоячиси,
- истеъдодли мунажжим,
- иқтидорли наққош ва рассом,
- жонқуяр устоз.

Эссенинг ўзига хос жиҳатларидан бири, унинг кенг кўламлиги. Ўқувчи уни ўқиш жараёнида А.Дониш билан танишибгина қолмай, унинг ижодини ўрганган олимлар, шоир яшаган даврнинг сиёсий аҳволи, илм аҳлига муносабат ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлади. Эссе кўтаринки оптимистик руҳ ва даъват билан яқунланганки, бу китобхонда фахр ва ифтихор туйғусини шакллантириб, аждодаларга муносиб бўлишга ундайди. Эсседа И.Ҳаққулнинг қалб кечинмалари яққол намоён бўлган. Аҳмад Дониш каби ватандоши билан фахрланиш ҳисси унинг образини пафос билан ёритиш, Донишнинг ҳаёт тўсиқларини матонат билан енгиб ўтиши, намунали ва шарафли ҳаёти баёнида аксланган бўлса, муаллиф ўзини қийнаган дардларни ҳам эсседа қайд этган. Жумладан, А.Дониш қабрининг қаерда эканлигини билмаслик, ёки шундай улуг шахс ҳақида янги давр талаб ва эҳтиёжини ифодалайдиган бирорга махсус тадқиқотнинг йўқлидан олим изтироб чекади.

Иброҳим Ҳаққуловнинг "Абдулла

Қаҳҳор жасорати" деб номланган эссеси ҳам ўзига хос хусусиятлари, хусусан, юқори пафоси, илмий ва бадиий услубнинг синкретиклиги, мақола орқали мунаққид А.Қаҳҳор ҳақида янги фикрлар айта олганлиги, ижодининг янгича қарашларда таҳлил этилганлиги билан аҳамиятли. Ушбу эссе муносабати билан Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг танқидчига очик хат йўллагани ҳам бежиз эмас, ҳақиқатан, бу эсседа И.Ҳаққуловнинг "адабиётшунос олим сифатидаги ҳамма фазилатлари муҳайё"[11.5]. Эссенинг кенг қамровлилиги: ўзбек адабиётининг ўтмиши ва бугуни, келажаги ҳақидаги жиддий фикрлар О.Шарафиддинов эътирофига сазовор бўлган.

Эссе бошланмаси ўзига хос бўлиб, китобхон диққатини тезда ўзига тортади: "Гапнинг индаллосини айтсак, адабиётимизнинг мустақилликдан кейинги қиёфасини мен бошқача тасаввур қилганман"[6,242]. Бир қарашда норозилик кайфияти ва сирли тугунни ифодалаган бу жумла секин-аста очилиб, норозилик оптимизмга ўзгариб боради ва эссе кўтаринки руҳда тугалланадики, бу кўтаринкилик китобхон руҳига ҳам сингади. Мунаққид ўқувчига Абдулла Қаҳҳорни ҳаёти давомида ҳақиқатга интилган, адабиётни реал ҳаётга янада яқинлаштирган реалист ёзувчи сифатида таништиради: "Ёзувчи асарларида ибратли образ ва қаҳрамон бор, лекин идеал образ ҳам, қаҳрамон ҳам йўқ. Бу санъаткорнинг том маънодаги реалист ижодкорлиги ва ҳақпарастлиги ҳам, йўқни бор демагани, сохта ва сўхтаси совуқ китобий қаҳрамонларни бино қилиб сиёсат "тегирмони"га сув қуймагани, китобхонни алдамаганида яққол намоён бўлади"[6, 249]. Мунаққиднинг

ушбу фикрлари теран таҳлиллар давомида ўз тасдиғини топган, асарларнинг янгича қирралари очиб берилган. Айниқса, "Сароб" романининг таҳлили диққатга сазовор. Мунаққид асар қаҳрамонларини давр нуқтаи назаридан адолат ва ҳолислик билан ёндашиб таҳлил этади, Саидий, Муниҳон, Муродхўжа домла образлари ёритилиб, уларни қорамаслик, аксинча, тушунишга ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди. Таҳлиллар асосида танқидчи "Тақдир драмасини ҳаққоний ёритиш ва мураккаб қисматли шахс фожеасини ҳолис тасвирлашда, менимча, адабиётимизда "Сароб" билан беллашадиган асар йўқ"[6,264] дея, хулосага келади. Эссени ўқир экан, мунаққиднинг асар қаҳрамонлари ҳаётини барбод қилган замон ҳақидаги мушоадалари беихтиёр китобхонни ўйлантиради.

Мунаққид Абдулла Қаҳҳор портретини яратишда кўплаб ёзувчи, олимларнинг хотиралари ва фикрларидан фойдаланган. А.Орипов, О.Шарафиддинов, Жамол Камол, Константин Симонов, Саид Аҳмад, Тоҳир Малик, Ш.Холмирзаев кабилар шулар жумласидандир.

Адабий танқидчилигимиздаги эсселарнинг аксарияти ўзбек адаблари ёки олимларига бағишланган. Эссе "қалбдаги ҳис туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга "сочилади"[5,374]. Иброҳим Ҳаққуловнинг буюк рус адиби ҳақида ёзилган "Ҳаёт санъаткори" эссеси айнан шу "туртки" сабабли дунёга келган. Мунаққиднинг қалб тугёнлари, Чеховга муҳаббати, унинг асарларидан таъсирланиш, у чеккан азоблардан оғриниш кабилар эссенинг ҳар бир саҳифасида ёлқинланган.

Эссега танланган эпиграф ҳам мақолани ўқимасданоқ китобхонни мушоҳадага чорлайди: "Қани эди, барча одамларнинг гам-ғуссаси меники бўлсайди..." Эссени ўқиш жараёнида бу жумла бекорга келтирилмагани, қаҳрамон характерини яратишда "ўқ илди, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи негиз"(Б.Назаров) бўлганлиги, бу сўзлар Чеховнинг қалб нолалари эканлиги аёнлашади. Мунаққид Чехов асарларини таҳлил этар экан, аввало, уларни бирлаштириб турувчи нуқталарга эътибор қаратади. Бу ҳаётга қалб кўзи билан қараш, асл моҳиятга етиш, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, етук шахс орзусини бой бермаслик. Ушбу гоёлардан танқидчи ҳикояларни таҳлил этишда очкич сифатида фойдаланади. Кўпчилик мунаққидлар биографик метод асосида мавзуга ёндашадилар ( М: Н.Каримов эсселари). И.Ҳаққулов услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у объекти бўлган асар таҳлиллари жараёнида адиб ижодий лабораториясига кириб боради, бадиий матннинг таҳлилидан эссе қаҳрамонининг яъни Чеховнинг ички олами очилиб, унинг портрети яратилади.

Эсседа мунаққид Чеховнинг "Ҳасрат" ҳикоясини ўзгача услубда таҳлил этади. Дастлаб асарни ўзининг илк бор ўқиган кезларини хотирлайди. Қаҳрамон тақдирга ачингани, инсоннинг ночор аҳволи мунаққидни ўйлантиради ва асар қаҳрамонининг шу аҳволга тушиши сабабларини қидиради: "Иона - ношуд, нотавон, ташландиқ. Иона - бадбахт, кулфатзода... Буларнинг бариси тўғри, лекин ичдаги унинг одамлик жаҳари қани? Одам сифатида у суянадиган маъни қаёқда? Извошчида булар йўқ.

Балки олдиндан бўлмагани боис у шу ҳолга тушгандир"[8,110]. Шу ўринда олим Чеховни қийнаган дардни, уни қалам ушлашга мажбур этган ҳақиқатларни ўқувчига ошкор этади. Китобхон маънавий қашшоқликнинг оқибатларидан сесканиб кетади. Эсседа адибнинг бир нечта ҳикоялари таҳлил этилган. Таҳлиллардан асосий мақсад - китобхон диққатини маънавий юксалиш, ўзликни англашга қаратиш. Бироқ бу қуруқ панд-насиҳат тарзида бўлмай, теран таҳлиллар асосида танлов китобхоннинг ўзига ҳавола этилади.

И. Ҳаққулов Чехов портретини яратиш жараёнида бир ўринда қадимги "Футувватнома"лардаги жавонмардлик маслағи ғоялари билан мавзуни боғлайди. Адиб фазилатларини шарқ халқлари идеаллари билан қиёслайди, қиёслардан аён бўладики, Чехов ботинида уларнинг аксарияти мужассам. Ушбу таққослашдан мақсад: адибни китобхонга янада яқинлаштириш, у ёритган мавзулар, муаммоларнинг бизга ҳам бегона эмаслиги ҳақида мушоҳадага чорлаш.

Юқорида кўриб ўтилган эсселар бир-бирини такрорламайди, услуби, жилоси, ранги ўзгача. Шундай бўлса-да, уларни бирлаштирувчи нуқталар бор. Бу мунаққид қаҳрамонларининг ҳаёт концепцияси, ҳақгўйлиги, тўғрилиги, чуқур тафаккури. Бу қаҳрамон танлашда ҳам танқидчининг ўзига хослигини кўрсатади. Мунаққид эсселари шунчаки адиб ё ижодкорни китобхонга танитиш учун ёзилмаган. Олим ўқувчи диққатини қаратмоқчи бўлган нарса уларнинг ибратли ҳаёти, ундан ўрнак олиш. Иброҳим Ҳаққулов қаҳрамонларининг ички оламини таҳлил этар экан, уларга инсонийлик, юксак ҳилқат эканлиги жиҳатидан баҳо беради. Шу сабаб уларга фарблик ёки шарқликка ажратиб,

алоҳида мезонлар асосида ёндашмайди. Масалан, Шекспирга бағишланган эсседа ҳадисларга, дарвешлик маслағи хусусидаги қарашларга, Ибн Арабий, Яссавий ғоялари таҳлилига ёки Аҳмад Дониш ҳақидаги эсседа Чершевский билан боғлиқ ҳикояга, фарб олимлари фикрларига дуч келамиз. Мунаққиднинг ҳар бир фикри асосли ва ишонarli баён этилганки, ўқувчида ҳеч қандай эътироз туғдирмайди.

Ҳар бир эссега мавзуни қамраб оладиган эпиграфлар танлаш ҳам мунаққид ижодига хос хусусиятлардан биридир. Иброҳим Ҳаққулов эсселари ўзининг жонли ва бадиийлиги, мушоҳадаларнинг теранлиги, танланган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди бугунги кун учун ҳам долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мунаққид ким ҳақида ёзмасин, у ҳақида янги гап айта олган. Эссе қаҳрамонларини идеаллаштиришдан чекиниб, уларни борича кўрсатишга, китобхонга яқинлаштиришга интилган. Танқидчи эсселари умумлашма мазмунга эга бўлиб, унда айтилган фикр-мулоҳазалар нафақат қаҳрамонга нисбатан, балки барча китобхонларга қарата айтилган ҳаётий мушоҳадалардир.

Адабиётшунос олимнинг услуби ҳақида фикр юритганда, энг аввало, унинг бадиий асарни теран англаб, мазмун-моҳиятини ўқувчига етказишдаги ўзига хослиги кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Айниқса, унинг адабий танқид жанрларини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкиллаш зарур.

И.Ҳаққул портрет-мақолаларини ўқиш орқали ўқувчи ҳам, мутахассис ҳам ижодкорнинг ҳаётига доир маълумотларни, уларга берилган баҳо, асарга баҳо бериш тамойиллари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлади.



Олимнинг юқорида сўз юритганимиз сунъийликка ён бермаслик каби мақола ва эсселарида А.Қаҳҳордаги сўз хусусиятлар сезилса-да, бадий асарни табиатини тушуниш, талабчанлик, чуқур ва агрофлича таҳлил қилишнинг А.Қодирий мақолаларидаги сингари янгича усуллари ва тамойиллари намоён жасурлик, Н.Каримов ижодидаги каби бўлганини кўраимиз.

**Адабиётлар рўйхати:**

---

1. Some characteristic features, skills and style of the literary critic. N.Qodirova. Web of Scholar. International academy journal. <https://ws-conference.com/webofscholar> . 2(20), Vol.5, February 2018. Poland. 33-37 p.
2. Алтынбаева Г.М. Литературная критика А.И.Солженицына: проблемы, жанри, стиль, образ автора. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук.Саратов-2007/cheloveknauka.com
3. Ахмедова Ш.Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент.2008
4. Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Чин олимлик саодати. Тошкент-2015
5. Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ.Ўзбек адабий танқиди тарихи.Тошкент-2012
6. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур.Тошкент-2007
7. Ҳаққул И. Талант - жасорат жавҳари.Тошкент-2018
8. Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт.Тошкент-2019
9. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Тошкент-1979.
10. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб.Тошкент-1979.
11. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам.Тошкент-2019.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**"ДУБЛИНЛИКЛАР" ҲИКОЯЛАР ТЎПЛАМИДА МАКОН ВА ЗАМОН  
ТАВСИФИ ("ОПА-СИНГИЛЛАР" ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)**

**Назира Мухитдинова**

Жиззах давлат педагогика институти, мустақил тадқиқотчи  
naziramukhitdinova07@gmail.com

**For citation:** Nazira Mukhitdinova. DESCRIPTION OF PLACE AND TIME (ON THE EXAMPLE OF THE HISTORY "SISTERS"). International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 7, pp. 50-59



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-6>

*Келиб тушган сана 18 июль, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Жеймс Жойснинг "Дублинликлар" тўпламига кирган "Опа-Сингиллар" ҳикояси таҳлил қилинади. Ҳикояда макон ва замон уйғунлиги тавсифланади. Бу ҳикоя учта ҳикоя туркумининг биринчиси бўлиб, унда, Жойс китобининг "биологик" моделига мувофиқ, алоҳида организмнинг болалик палласи тасвирланган. "Опа-сингиллар" олами- бола гидрокидаги олам. Ҳикоя қилувчи - бола ва ҳикоялаш тарзи табиий ритмининг алоҳида тобелиги шу билан боғланган (ҳикоя вақтининг кун ва тун, уйқу боррликка алмашилиши): зеро, катта ёшдаги кишидан кўра бола табиатга яқинроқ. Ҳикоя вақти - табиатнинг табиий қонуни ва ритмига тобе вақт. Матндаги хронологик белги- ишораларнинг асосий хусусиятлари шундан далолат беради. Ҳикоя аввалидаги бир хил оҳангда давом этадиган қатъиятли такрорларга эга. "Опа- сингиллар"да ҳикоя биринчи шахс томонидан олиб борилади. Матнда ҳатто ҳикоячининг ички кўчирма гапи, унинг эхтиросли гуноҳлари учрайди.

Шу тариқа, китобхон ҳикоячи - боланинг нуқтаи назарини қабул қилиб унинг биологик ритмига бўйсиниб "Дублинликлар" оламига кириб боради.

**Калит сўзлар:** символик образ, гармония, мунаввар ақл, макон ва замон, эстетика; ҳикоячи персонаж

---

**ОПИСАНИЕ МЕСТА И ВРЕМЕНИ (НА ПРИМЕРЕ ИСТОРИИ "СЁСТРЫ")**

**Назира Мухитдинова**

Джиззахский государственнқй педагогический институт, независимый исследователь  
naziramukhitdinova07@gmail.com

---

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются рассказ "Сёстры" из сборника Джеймса Джойса "Дублинцы". История описывает гармонию пространства и времени. Эта история является первой из серии из трех историй, описывающих детскую фазу отдельного организма в соответствии с "биологической" моделью книги Джойса.

Вселенная "Сестёр" - это мир детского восприятия. История ребенка - и стиль рассказа - естественный ритм рассказа - связаны между собой (время рассказа, день и ночь, нарушения сна), потому что ребенок ближе к природе, чем взрослый. Время истории - время следовать естественному закону и ритму природы. Ключевые особенности хронологических признаков в тексте свидетельствуют об этом. Истории имеют постоянное повторение одного и того же рода истории. Рассказ "Сёстры" ведётся от первого лица. В тексте встречается даже история внутреннего диалога рассказчика, история его тайных грехов. Таким образом, читатель принимает точку зрения ребенка и подчиняется его биологическому ритму и входит в мир "Дублинцев".

**Ключевые слова:** символический образ, гармония, интеллект, пространство и время, эстетика; рассказчик

## DESCRIPTION OF PLACE AND TIME (ON THE EXAMPLE OF THE HISTORY "SISTERS")

**Nazira Mukhitdinova**

D, an independent researcher  
naziramukhitdinova07@gmail.com

## ANNOTATION

The article analyzes the story "Sisters" from the collection of James Joyce "Dubliners". History describes the harmony of space and time. This story is the first of a series of three stories describing the children's phase of a separate organism in accordance with the "biological" model of the book of Joyce.

The Sisters Universe is a world of children's perception. The child's story - and the style of the story - the natural rhythm of the story - is related (story time, day and night, sleep disturbances) because the child is closer to nature than an adult. The time of history is the time to follow the natural law and the rhythm of nature. Key features of chronological signs in the text testify to this. Stories have a constant repetition of the same kind of story. The story "Sisters" is in the first person. The text even contains the story of the internal dialogue of the narrator, the story of his secret sins. Thus, the reader accepts the child's point of view and obeys his biological rhythm and enters the world of "Dubliners".

**Key words:** symbolic image, harmony, intelligence, space and time, aesthetics; storyteller

Жойс ўзини санъаткор сифатида кўрсатган "Дублинликлар" ҳикоялар тўплами 1914 йили ёруғлик юзини кўрди. "Дублинликлар" устидаги иш 1907 йил буткул яқунланган бўлса-да, ноширларнинг қаршилигини бартараф қилишга олти йилдан ортиқ вақт кетди: Жойс асарларини замондошлари адабий меъёрларни бузувчи новаторлик сифатида қабул қилишди. Бу новаторлик Жойснинг "Йейте каби замондоши томонидан баҳоланди ва у: "Дублинликлар" ўз муаллифини ҳикоянинг катта устаси ва қолаверса янги типдаги ҳикоя устаси сифатида намоён этди" [1, 390], деб ёзади С.Хоружий.

Маълумки, Жойс "Дублинликлар"да "тиниқ кўрсатадиган кўзгу"ни яратишни мақсад қилган, токи унда "ирландлар ўзларини кўра олишсин", деган

мақсадни олдиға қўйган, яъни ўзининг ҳикояларида ўзаро яхши боғланмаган адабий мозаиканинг парчаларини эмас, балки яхлит бадий образни назарда тутган. Ҳикояларнинг бир китобга жамлангани ўзи муаллифнинг имкон қадар кенг кўламли бадий умумлашмага интилганини кўрсатади. Китоб марказида Шаҳарнинг символик образи туради; асрлар оралигида маданият учун ўта аҳамиятли ҳисобланган урбанистик проблема Жойс насрида ўзига хос эстетик моҳият касб этади. Шаҳар жамки табиий биологик ўзгаришларга гирифтор бўлган аллақандай органик яхлитлик сифатида тушинилади.

Ёзувчи "Дублинликлар"ни бошқача эмас, балки китоб деб этади ва унинг чуқур ва қатъий ўйлаб ёзилгани ҳақида: "Мен ўзимнинг китобимни ўта диққат-

этибор билан ўйлаб, санъатнинг классик анъаналари ҳақидаги ўзимнинг тасаввуримга мувофиқ тарзда яратганман"[1, 587], деб ёзган. Жойс назарда тутган классик анъана Флобер ва Мопассан ижодида намоён бўлган, унинг жиддий, аҳамиятли хусусиятларини (ўзининг тушунишича) ёзувчи ўзининг "классик санъат" назариясида шакллантирди. Жойснинг эстетик назарияси ҳақида ва у ёзувчи ижодида қай тарзда мужассамлангани ҳақида хориж [2] ва собиқ иттифоқ [3] олимлари кўп ва ҳўп ёзганлар.

Ушбу назарияни "Мусавирнинг ёшликдаги шамойили" қаҳрамони романнинг охири бобларида тарғиб қилади. Гўзаллик, унинг ишоннишича, бутунлик, гармония, мунаввар фикр, ёруғ ақл (*integritas, consonantia, claritas*) мавжуд жойда юзага келади. Бутунлик эстетик образни "макон ва вақтнинг бепоён фонида ўз ўзини чеклаган ва мустақил маъно-музун сифатида" [3] идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; гармония - уни "ўзаро мувофиқ бутунлик, мураккаб, бўлинадиган, қисмлардан таркиб топган, бу қисмларнинг ҳосиласи сифатида, уларнинг мажмуи, ўзаро ҳамоҳанг, уйғунлик" сифатида идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; фикр(ақл)нинг равшанлашиши "нарсა ўзидалиги", "гўзалликнинг олий сифати, эстетик образнинг ёрқин товланиши, унинг бутунлиги билан тўхтатилган ва унинг гармонияси билан мафтун бўлган онгда аниқ идрокланади; бу эстетик завқнинг порлоқ тилсиз стасиси..."[4, 7]. Гарчи С.СХоружийнинг Жойснинг эстетик қарашлар тизими принципиал жиҳатда жуда аҳамиятли эмас, деган фикри билан келишмасликнинг иложи бўлмаса-да бу қарашлар тузимини "Дублинликлар" таҳлили чоғида, албатта, назарда тутиш зарур: китобнинг шаклий қурилишида улар сезиларли таъсир кўрсатган.

Бутунлик ва уйғунлик талаби китоб структурасига таъсирини кўрсатган, қисмлари-ҳикояларининг қатъий изчиллик билан, кетма-кетликда келишини, "уларнинг ўзаро мураккаб ички - тематик, гоъвий, интонацияли-стилистик - алоқасини ва тўпламнинг умумий гоъси билан боғлиқлигини ҳамда бадиий яхлитликнинг барча таркибий қисмлари - хатбоши(абзац)ларнинг ажратиб кўрсатилиши ва тиниш белгиларининг жой-жойига қўйилишигача - барчасини олдиндан тақазо этган. Тўпланда бирор-бир тасодифий ҳол учрамайди"[4, 14]. "Ақл равшанлашиши"нинг талаби китоб ва уни ташкил этган ҳикояларнинг структураси даражасида, Жойснинг "епифания" жанридаги илк адабий тажрибаларига доир бўлган асар хотимасининг алоҳида турида ўз ифодасининг топган: ҳар бир ҳикоянинг хотимаси "алоҳида ритмик тузилмаси билан бутун ҳикоялаш маромидан" фарқланиб туради[4, 20], китоб "Ўликлар" номли ҳикоя билан якунланди, "унда жисмоний ва маънавий ўлим жуда кучли ифодаланади"[4, 20].

Шундай қилиб, "Дублинликлар"нинг макон-вақт қурилишига хос хусусиятларини ўрганишда аввалбошда муаллиф томонидан бу тўплам ягона макон-вақт структураси эга бўлган ягона бадиий бутунлик сифатида белгилангани назарда тутилади.

Китобдаги ҳикояларни бириктирган муҳим мезонлардан бири улардаги воқеалар, хатти-ҳаракатлар кечадиган жой бўлиб, унинг аҳамияти ўзининг номи билан таъкидланган. Жойсни қаҳрамонларининг муайян макон, худуд билан алоқаси қизиқтиради, муаллиф учун унинг персонажлари - биринчи галда Дублин шаҳрида яшайдиганлар, улар бу шаҳарнинг вакиллари ва унинг маҳсуллари, унинг яхлит-бутунлиги

қисмлари. Муаллиф манзил (Дублин) феноменини унинг одамлари орқали талқич қилади. Шаҳар образи босқичма-босқич гавдалантирилади, "Дублинликлар"нинг ҳар бир янги персонажи образи орқали Дублиннинг умумий манзаралари, унитилмас муҳри аён кўрсатиб борилади.

Куйида "Дублинликлар"нинг макон-вақт континууми ҳикоядан ҳикояга қандай тартибда кенгайиб боришини кузатамиз.

Жойснинг бадиий асар "биологик" моделини структуравий қайта (такрор) акс эттиришга доир илк адабий тажрибаси талқиччилар томонидан кўп таъкидланган (жумладан, рус талқичотчилари: Д.Г.Жантиева, Е.Ю.Гениева, С.С.Хоружийлар томонидан): у (ўзининг барча структуравий миқёсларида) ҳомиладан вояга етган организмга ўхшаб пайдо бўлади, ривожланади, юқори маромига эришади (эскириб путурдан кетади, талвасага тушади ва ўлади). "Дублинликлар" - тирик мавжудот сифатидаги шаҳар ҳақида ёзилган китоб, уни ташкил этган новеллалар ана шу шаҳар ҳаётининг турли босқичларини намоён этади: болалик, ўсмирлик, балоғат - ва ижтимоий ҳаёт. "Бадиий асар билан организм ўртасида ўзаро ёнма-ён ажралмас ёндошлик, бир-бирига ғоят ўхшашлик амалга оширилади; бадиий предмет (образ, сюжет, шакллар) ривожи ва ҳомила ривожи орқали"[4, 21].

Бу китобнинг марказий образи шаҳар образи ҳисобланади, бу - фалажга дучор бўлган тирик мавжудот.

Бедаво касаллик - фалажга дучор бўлган бемор образи тўпламдаги биринчи (матнда алоҳида муҳим мавқени эгаллаган) ҳикоя - "Опа-сингиллар"даёқ намоён бўлади ва тўпламнинг бош гоёсини, асосий пафосини, етакчи сюжетини тайин этади.

Бу ҳикоя учта ҳикоя туркумининг биринчиси бўлиб, унда, Жойс китобининг "биологик" моделига мувофиқ, юқорида тилга олинган алоҳида организмнинг болалик палласи тасвирланган.

"Опа-сингиллар" олами - бола гидрокидаги олам. Ҳикоя қилувчи - бола ва ҳикоялаш тарзи табиий ритмининг алоҳида тобелиги шу билан боғланган (ҳикоя вақтининг кун ва тун, уйқу бедорликка алмашилиши): зеро, катта ёшдаги кишидан кўра бола табиатга яқинроқ. Ҳикоя вақти - табиатнинг табиий қонуни ва ритмига тобе вақт. Матндаги хронологик белги-ишораларнинг асосий хусусиятлари шундан далолат беради. Ҳикоя аввалидаги бир хил оҳангда давом этадиган қатъиятли такрорларга мисол: "Night after night I had passed house..." [5, 41] ("Ҳар кун кечқурун мен уйнинг ёнидан ўтардим..."[6]; "... and night after night I had found it lighted... (... ва ҳар кун кечқурун мен уйни ёруғ кўрардим..." [6, 7]. Ёки, яна матн давомида ўқиймиз: "... мен кечки овқатга тушган пайтда..." [6, 7], "Мен бу оқшом кеч ухладим..." [6, 9], "Эртаси кун эрталаб нонуштадан сўнг")...

Бундан ташқари, ҳикоядаги вақт - ҳикоя қилувчининг алоҳида-субъектив вақти. "Опа-сингиллар"да ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилади (бу Жойснинг бадиий амалиётида кам учрайдиган ҳодиса: бу усул билан "истиқфорий" таъсирга эришилади (ишончлилик, шахсан кечирган кечинмаларга гувоҳлик; ҳикоячи-персонажнинг координатлар тизими кўрсатилади: ўқувчи билан асар матни орасида нисбатан қисқа масофа олинади). Матнда ҳатто ҳикоячининг ички кўчирма гапи, унинг эҳтиросли изоҳлари учрайди: "У оғзида трубка билан пихиллади, гўё фикрини жамлаб олмоқчидай. Эзма, қари тўнка!" [6, 7];

"Мен газабимни сездириб қўймаслик учун оғзимни сули бўтқаси билан тўлдириб олганман. Эзма, қари қизилбурун аҳмоқ!" [6, 9].

Шу тариқа, китобхон ҳикоячи-боланинг нуқтаи назарини қабул қилиб, унинг биологик ритмига бўйсуниб "Дублинликлар" оламига кириб боради.

Ҳикоядаги ҳаракат қиладиган шахслар тизмида ҳикоячи образи билан руҳоний Жеймс Флинн фалаж образи нисбатан мустаҳкам боғланган. Бу шогирд ва устоз алоқаси ("... у менга кўп нарсани ўргатди..." [6, 10], дўстлар ўртасидаги алоқа (уларнинг ўзаро муносабатини бошқа персонажлар, мисол учун, қаҳрамоннинг бобоси кўради) ва - янада юксак, эътиқод тартибидаги алоқа - диний раҳнамо ва гуноҳдорнинг алоқаси (ҳикоячи-бола тушида ҳазрат Флинннинг юзини кўради: "Бироқ рангпар юз ортимдан изма-из келарди. У пичирлади ва мен унинг нимагадир тавба қилишни истаётганини тушундим. \...\ Кейин унинг фалаждан ўлганини эсладим ва ўзимнинг ҳам кулаётганимни, журъатсиз, гўё уни гуноҳи азимдан халос қилаётганимни ҳис этдим") [6, 9] (Таъкидлар бизники - Н.М.)

"Опа-сингиллар"нинг вақт структурасида, руҳоний Жеймс Флинн билан боғлиқ хронологик қатлам2 жуда муҳим роль ўйнайди. Жеймс Флинн ва унинг касали одатдагича ҳаракатга келтирилган жараённи ўзида гавдалантиради. Ҳикоячи "...ҳар куни кечкурун \...\ уйнинг ёнидан ўтарди..." (руҳонийнинг уйи), "...ҳар куни кечкурун деразага қараб, \...\ ичида, овоз чиқармай "фалаж" сўзини айтарди" (Флинннинг деразасига қараб ва унинг касали ҳақида ўйлаб), "...ўзи унинг қора тамаки қутисига тамаки соларди, чунки руҳонийнинг қўллари кескин қалтирар

ва у бу ишни қила олмас, тамакининг ярмини ерга тўкиб юборарди" ва у кўриб турарди: "руҳоний ўзининг қалтираётган катта қўлини бурнига яқин келтирганида бармоқлари орасидан кийимига тамаки ушоқлари тўкилди" [6, 9-10].

Ҳикоячининг хотираларида фалажга йўлиққан руҳонийнинг яшаётгани айтилган маиший тафсилотлар унинг ночорлигини, икир-чикирларга қарамлиги, бошқаларнинг мурувватига муҳтожлигини таъкидлайди. Деймс Флинннинг қиёфасида унинг ҳаётдан узилиб қолганини кўрсатиб турган аломатлар акс этади; унинг уст-боши, у ишлатадиган нарсалар, бедаво касалик таъсири остида, ўзининг хусусиятини ўзгартиради: "Мудом тўкилиб турадиган тамакидан унинг эски руҳонийча жуббаси рангсиз яшил тусга кирди, ҳатто бу ҳам етмагандай кийимига тўкилган тамаки ушоқларини сермаб ташлайдиган қизил қўл рўмолчаси бир ҳафтада қорайиб кетди"[6, 10]. Бармоқлар орасидан тўкилаётган тамаки айнишнинг ўзига хос тимсолига айланади: тамаки ҳидлашга ишбозликдан (эски урфга хос одат), ҳузурланиш манбаини ушлаб туришга ноқобиллик ва ерга тўкилган тамаки - куч-қувватдан қолганликдан, ўз танасини, ҳаётини бошқаришга курби етмаслигидан далолат берадиган аломатлардир. Юқорида келтирилган парчадаги охириги тафсилот, айниқса, кўплаб турли-туман ассоциацияларни уйғотади: қора тусга кирган қизил қўл рўмол - қорайиб қуюқлашган қон; тугаб битган эҳтирос, севги, ҳаёт; чўзилиб кетган ва ҳар ҳафта янгиладиган мотам. Бу деталларнинг тимсолий тифизлиги шубҳадан холи.

Улкан, тарихий даврнинг белги-аломатлари, аниқ саналарга оид фактлар ва реал воқеалар Жеймс Флинн билан боғланиб ҳикояга кириб

